Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 17 (6. 806) ◉ 1989 йил 20 январь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

Дўст билан обод уйинг

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Турли миллат кишиларининг бир-бирига меҳр-оқибати, қувонч ва ташвишларни баравар баҳам кўриш, топширилган ишни вақтида ва сифатли бажаришга интилиш қайта қуриш, жадаллаштириш ва янгиланиш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг муваффақиятини таъминламоқда. «Узэнергоналадка» ишлаб чиқариш корхонасида бўлганимизда ушбу фикримизнинг нақадар тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ушбу корхонанинг бош конструкторлик бўлими ходимлари ягона оила фарзандларидек ишлаб 1989 йил план-топшириқларини бажариш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

✦ Абдувоҳид Ёқубовни бу ердагилар ўз касбининг ҳақиқий устаси сифатида билишади. Унинг бу ерда иш бошлаганига ҳам 15 йилдан ошди. Шу йиллар ичида у бой тажриба тўплади, эндиликда бу тажрибаларини у бошқа дўстларига сидқидилдан ўргатмоқда. Бу ерда битта мисол келтиришнинг ўзи ўзбек ўғлони Абдувоҳиднинг ўта изланувчан инженер эканлигидан далолат беради. У Каттақўрғондаги иссиқлик қозонини лойиҳалаштириш ишларида ташаббускорлик кўрсатди. «Меҳнат қилган — элда азиз» деганларидек унинг жонбозликлари бир қатор мукофотлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

✦ Клара Евтеева — удмурд қизи. Унинг ҳам меҳнат стажи 17 йилдан ошади. Инженерлик ихтисослигининг миридан-сиригача бўлган томонларини тўла ўзлаштириб олган Клара Евтеева бош конструкторлик бўлими ходимлари орасида ўзининг самимийлиги, камтарлиги, дилкашлиги билан ажралиб туради. Унинг оиласини чиндан ҳам интернационал оила дейиш мумкин. Турмуш ўртоғи Валентин билан у меҳнат завқи тўғрисида, қайта қуриш йўлида олиб борилаётган ишларни яна жадаллаштириш тўғрисида тез-тез баҳслашиб туради. Чунки турмуш ўртоғининг касби энергетик бўлганлиги туфайли инженерлик муаммолари хусусида ҳам етарлича бош қотиради.

✦ Корейс қизи Милда Цойнинг бош конструкторлик бўлимида ишлаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у тиришқоқлиги, топширилган ишга масъулият билан ёндошиши, ҳамкасб дўстларига меҳрибонлиги билан коллектив ўртасида обрў қозонди.

— Бўлимимизда турли миллат кишиларининг аҳил-пайванд бўлиб ишлаётганини кўрганимда қалбим олам-олам фахр туйғуларига тўлиб-тошади,— дейди М. Цой. — Ҳа, дўстликка, қардошликка нима етсин! У бизнинг барча зафарларимиз ютуғидир. Шу боисдан биз дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашимиз, қардошликка доимо содиқ қолишимиз керак.

✦ Грек миллатига мансуб бўлган Янис Морудис ҳақида ҳам бу ерда жуда илиқ сўзларни эшитдик. Ҳалол меҳнати билан коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонган Янис инженер-конструктор сифатида ўз касбининг барча нозик томонларини чуқур ўзлаштириб олган. Ун икки йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келаётган Я. Морудиснинг бу йилги режалари ҳам улкан ва янада салмоқли. У шу кунларда ана шу режаларини амалга ошириш йўлида тинмай изланмоқда. Бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган Янис Морудис шу кунларда айниқса жонбозлик кўрсатиб ишламоқда.

С. БОБОЕВ.

Р. Шарипов фотолари.

Бу ҳақда конференцияда гапирилган эди

Агар виждонан ишласак...

«Уй-жой муаммоси ҳамон ниҳоятда ўткир бўлиб қолмоқда. КПСС XXVII съездининг ҳар бир оилани квартира ёки уй билан таъминлаш тўғрисидаги йўл-йўриғини бажариш учун биз ўн иккинчи беш йилликни эътиборга олиб 23,1 миллион квадрат метр уй-жой ёки 330 мингта квартира барпо этишимиз зарур. Шаҳар бутун уй-жой фонди беш йиллик бошида 26,6 миллион квадрат метрни ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак, бу вазифа нақадар мураккаб эканлигини ўзингиз тасаввур қиласиз». XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси минбаридан янграган бу сўзлар биз, қурувчилар зиммасига янада юксак масъулият юклайди, ҳар биримиздан виждонан ва ҳалол ишлашни, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ иш ҳажмини бажаришимизни талаб этади. Хўш, биз нима қилаяпмиз? Шунга яраша ишлаяпмизми?

Мана янги йилнинг дастлабки ойи ҳам ўтиб боряпти. Ўтган кунлар мобайнидаги ишларимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, ҳамма нарса аён бўлади-қолади. Очиғини айтганда, ўша-ўша материал танқислиги давом этмоқда. Шу туфайли бўш туриб қолишлар содир бўляпти. Пландан орқада қоляпмиз. Ой охирида яна штурмчилик бошланади. Яна сифатсизлик ҳақида сўз боради. Ахир бу иллатлардан қачон қутуламиз? Қачон бир меъёрда ишлаймиз? Ишимизда қачон сифат бўлади?

Эсимда, шаҳар партия конференцияси минбаридан туриб нутқ сўзлаган 11-«Висотстрой» трестининг бригадири, ҳамкасбимиз А. И. Голубев ўз сўзида худди шулар ҳақида гапирди. У шундай бир факт келтиради. «Ташгорстрой» давлат капитал маблағларини тўлай олмаганлиги учун шу беш йилликда уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини тўла бажармади. Қурилишларни комплекс равишда олиб бормаётганлигимиз сабабли ўзўзимизга социал соҳа муаммоларини келтириб чиқараяпмиз. Ахир бу ҳол қачонгача давом этади. Хўш, нега ишда бурилиш ясай олмаяпмиз. Менимча, бунинг учун қурувчиларнинг, энг аввало коммунистларнинг активлигини ошириш лозим. Улар эскича усулда ишлашдан воз кечишлари, ишга замон талаби нуқтаи назаридан ёндошишлари керак.

Мен шу ўринда ҳамон қурувчилар шаънига доғ тушираётган сифатсизлик хусусида тўхталмоқчиман. Гарчи гап шу масалада борар экан, КПСС XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси минбаридан туриб айтилган ушбу сўзларни ҳам яна бир бор эслатиб ўтиш жоиз. **«Ўн биринчи беш йилликка нисбатан уй-жойларни топшириш йилига 15 миллион квадрат метрдан ошмоқда. Лекин сифат масаласи кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда».** Хўш, бу «сифатсизлик» иборасидан қачон қутуламиз? Назаримда қурилишда чуқур илдиз отган бу иллатга аллақачон барҳам бериш вақти етди ва бунинг ягона усули бинокорлик ишига ҳам давлат қабулини жорий этишдир.

Шу кунгача сифатсизликка чек қўйишнинг турли йўлларидан фойдаланиб, сифат комиссияси тузилди. Ўзаро текширувлар жорий этилди. Бу изланишлар қурилиш сифатига озми-кўпми даражада таъсир этган бўлсада, лекин ўзини тўла оқламади.

Мени бир нарса ўйлантириб келади. Ахир нега давлат қабулини ишчи корхоналарида йўлга қўйиш мумкин-у, уни қурилишга жорий этиш мумкин эмас. Бу долзарб муаммо, зудлик билан ҳал этилмас экан қурувчи ва таъминотчи ўртасида сансалорлик давом этаверади. Квартиралар-нинг сифатсизлиги ҳақида меҳнаткашлардан келаётган шикоятларга нуқта қўйиб бўлмайди. Шундай дейман-у, ўз-ўзимга ахир виждонан ишлаш қайда қолди, деган саволни бераман. Агар ҳаммамиз виждонан ишлаганимизда бу кўйдаги таъна-маломатларга қолмасдик. Афсуски, орамизда ҳали ҳам ўз манфаатини умумникидан устун қўядиган, кўпроқ ҳақ олиш учун кўзбўямачиликдан ҳам тоймайдиган қурувчилар ҳам бор. Давлат қабули эса юқоридаги иллатларга чек қўйиши табиий. Унинг дастлабки муваффақиятлари корхоналар мисолида синаб кўрилди.

Очиғини айтганда, таъминот масаласидаги оқсоқлик жонга тегди. Мана шу туфайли объектларда иш тўхтаб қоляпти. Қурувчининг вақти бўш ўтяпти. Ойлик маошимизга путур етяпти. Бу муаммо узил-кесил ҳал этилмас экан қурилишда коллектив пудрати усулида ишлаш жуда оғир.

Узоққа бормай ўзимиздан мисол келтирай. Ҳозир коллективимиз Тошкент чинни заводининг янги корпусларини бунёд этяпти. Бу ерда иш бошлаганимизга икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган муддатда анча мунча иш бажардик. Борингки, планларимиз ҳам зўрма-зўраки тўлиб турибди. Бироқ янада унум билан ишлашимиз, эришилган даромадга икки баравар ҳисса қўшишимиз мумкин эди. Бунинг учун имконият ҳам, кучимиз ҳам етарли эди. Лекин бизга таъминотчилар панд беришди. Бетонлар ва қурилиш материалларини етказиб беришаолмади.

Узоқ йиллардан бери коллективга бригадирлик қиламан. Бригадирнинг вазифаси аввало қурувчига ғамхўрлик қилиш, уни иш учун зарур бўлган барча материаллар билан таъминлаш, моддий томондан ёрдам бериш, кейин эса ундан талаб этиши лозим. Афсуски, кўпинча бизда бундай бўлмаяпти. Кўпгалаб, ҳафталаб бўш қолаяпмиз. Тўғри, бундай вақтларда ҳам ўзимизга яраша иш топилади. Лекин асосий ишимиз қолиб кетади.

Қурувчилар менга катта ишонч билдиришган. Район Советига депутат қилиб сайлашган. Баъзан улар менга писанда қилиб қолишади: «Ахир депутат деган номингиз бор. Сайловчилар наказини бажарасиз-у, нега бизнинг наказимизни бажара олмайсиз. Ахир қачон таъминот танқислигидан қутуламиз» дейишади. Очиғи, бундай вақтлар уларга нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмай қоламан.

Таклифим, пудратчи ташкилот билан таъминотчилар ўртасида мустаҳкам алоқа бўлса дейман. Ишни конвейер усулида йўлга қўйиш керак. Ана ўшанда сифат ҳам яхшиланади.

Ушбу мақолани партия конференциясида қайд этилган қуйидаги сўзлар билан тугалламоқчиман. **«Уй-жой тиғиз программасини ҳал этиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланиш керак. Шулардан бири якка тартибда уй-жой қуришдир. Шу йилнинг ўзидаёқ 1600 оилага ҳовли-жойи бўлган уй қуриш имконияти берилди, келгуси йили яна 3,5 минг оила ана шундай имкониятга эга бўлади. Аммо бу ўринда маҳаллий Советларнинг раҳбарлари бўлган коммунистлар бу ишга бош-қош бўлишлари, корхоналар эса коммуникациялар қуришда, материаллар билан таъминлашда ёрдам беришлари керак».** Бу ўринда ҳам гап таъминот масаласига келиб тақалади. Кўриниб турибдики, қаерда таъминот яхши бўлса, ўша ерда унум ҳам, муваффақият ҳам бўлади.

И. БАШЬКО,

«Ташгорстрой»нинг 12-трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна бригадаси бошлиғи, Акмал Икромов район Советининг депутати.

Рўйхатга олишнинг сўнгги куни...

1989 йил 19 январда Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш ниҳоясига етди.

Рўйхатга олиш шаҳар штаби у ёки бу сабаб билан рўйхатдан ўтмаган Тошкент шаҳри гражданларидан қуйидаги телефонлар орқали шахсан район ижроия комитетлари ҳузуридаги рўйхатга олиш район штабларига мурожаат қилишларини сўрайди.

Район штабларининг телефонлари:

Акмал Икромов райони — 74-16-76
Киров райони — 35-14-95
Куйбишев райони — 32-36-62
Ленин райони — 33-49-62
Октябрь райони — 41-20-42
Собир Раҳимов райони — 48-02-71
Сергели райони — 58-88-70
Фрунзе райони — 53-50-40
Ҳамза райони — 96-42-11
Чилонзор райони — 77-10-15

Аҳолини рўйхатга олиш шаҳар штабининг телефонлари: 33-55-98, 33-51-39.

ОРОЛГА ЁРДАМ ФОНДИНИНГ ЯНГИ СЧЁТИ

Минг-минглаб студентлар, ишчи-деҳқонлар, хизматчилар, олимлар, ёзувчилар, ҳатто пенсионерлару ўқувчиларгача ўз шахсий жамғармаларидан «Оролга ёрдам» фондига пул ўтказмоқдалар. Корхона, муассаса, хўжалик коллективлари номидан ҳам маблағлар жўнатиляпти. Ўтган йилнинг охирларида Москвада «Орол кунлари» ўтказилгандан кейин бу хайрли ишга бош қўшаётганлар сезиларли кўпайди.

Оролни асраш комитети ёрдам фондининг номери янги бўлганлигини хабар қилади: ҳозир фонд счёти — 001700403 бўлди. Унинг адреси эса қуйидагича: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 89 СССР уй-жой коммунал банкининг Киров район бўлими.

Ёшлар ва маданият

18 январь куни Тошкент Давлат университетининг маданият саройида ана шу мавзуда мулоқот бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан ўтказилган «Думалоқ стол» атрофида» ижодий интеллигенция вакиллари, маданият, санъат намояндалари, пойтахт олий ўқув юртларининг ректорлари ва партия комитетларининг секретарлари, бошқа ўқув муассасаларининг директорлари, партия ва комсомол ходимлари йиғилдилар.

Ёшларни, студентларни жаҳон ва миллий маданиятнинг бой дурдоналаридан қандай қилиб баҳраманд қилиш мумкин, йигит ва қизларни гўзаллик, маънавий бойликни тушуниш ва унга интилиш руҳида қандай қилиб тарбиялаш мумкин? Ана шу масалаларни муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари М. Қаюмов, Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг бош режиссёри Ф. Сафаров, Тошкент Давлат университетининг ректори Ш. О. Алимов, Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг бош режиссёри Л. Файзиев, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редактори Т. М. Қозоқбоев, Ўзбекистон ССР халқ таълими министрининг ўринбосари М. Қорабоев, «Ёш гвардия» театрининг актёри Г. Жамилова, Ўзбекистон театр арбоблари союзининг раиси Б. Р. Қориева, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Носиров, Тошкент электротехника институтининг ректори Ж. Абдуллаев ва бошқа кўпгина ўртоқлар ишда тўпланган тажрибалар тўғрисида, мавжуд қийинчиликлар ҳақида тўхталдилар, бир қанча конкрет, амалий таклифларни айтдилар. Билдирилган ана шу таклифлар эътибор билан ўрганиб чиқилади, умумлаштирилади, бу таклифлар ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштириш бўйича комплекс программага асос қилиб олинади.

Учрашув қатнашчиларининг ҳаммаси ҳозирги пайтда ёшларнинг маданий, маънавий даражасини кўтариш масаласи долзарб вазифа эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Учрашувда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин нутқ сўзлади. Суҳбатда Тошкент область партия комитетининг секретари Э. И. Фозилов иштирок этди.

◉ «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Сергей Артурович ДАВИДЯНЦ.

Замондошимиз



Муҳим мавзуда

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг математика факультетида миллатлараро муносабатларга бағишланган суҳбат ўтказилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири Ш. С. Зиёмов, Ўзбекистон ССР халқ таълими министрининг ўринбосари М. Қорабоев ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзовлар миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик, студент-ёшларга яратилаётган шароит ва интернационал дўстлик ҳақида гапирдилар.

Учрашув сўнгида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Т. ҲАКИМОВ.

Янги кўргазма

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида республикамизнинг истеъдодли рассомларидан бири Михаил Курзин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмадаги асарлар республикамизнинг турли музейлари ва санъат музейи фондидан ташкил топган.

170 дан зиёд экспонат орасида М. И. Курзиннинг турли даврларда яратган акварель ва мой-бўёқларда акс этган манзаралар, портрет, натюрморт ва ғоявий мазмунга эга бўлган айрим картиналари, шунингдек график характерга эга бўлган машқий асарлари бор.

Залларда намойиш этилаётган «Олим Хўжаев — Алишер Навоий ролида» портрет асари, колхоз тузуми ҳаётидан «Колхозчилар рақси» картинаси, манзара ишидан «Дарахт» номли асарлари санъат мухлисларига яхши таассурот бераётир.

М. АҲМЕДОВ.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Ҳамиша гавжум

598-Тошкент—Киров территориал сайлов округи Киров район Совети ижроия комитети биносида жойлашган. Бинонинг иккинчи қаватига кўтариламиз. Комиссия ҳонасида бизни округ сайлов комиссиясининг секретари Тамара Мирусмонова кутиб олди. У бу ерга келган сайловчилар саволларига жавоб қайтарар экан, бизга юзланди.

— Ҳозир, бир минутга.

Лекин ҳонага ташриф буюрувчиларнинг кети узилмасди. Улар секретарга турли масалалар хусусида фикр билдиришар, ўзларининг талаб ва истакларини баён этишарди. Ниҳоят Т. Мирусмонова охирги сайловчини кузатар экан, «Хизмат» дея бизга мурожаат этди.

Округ сайлов комиссиясининг сўнгги кунлардаги ишлари билан қизиқдик.

— Яқинда матбуотда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партияга, Совет халқига Мурожаатномаси эълон қилинди. Комиссиямиз охирги йиғилишида мана шу ҳужжатни чуқур ўрганиб чиқдик. Жумладан, унда шундай дейилади: «Партия ўзининг сайловолди программаси билан мурожаат қилар экан, барча совет кишиларини ишонтириб айтадики, у бундан буён ҳам бутун кучини, коллектив фикрини ва коллектив иродасини жамиятимизни революцион янгилашга сарфлаб, қайта қуриш йўлидан оғишмай бораверди. Партия сизларнинг ҳар бирингиз белгиланган режаларни амалга оширишда фаол иштирок этишингизга умид қилади».

— Бу ҳаётбахш сўзлар бизни ушбу сиёсий кампанияда актив қатнашишга чорлайди,— дейди бизга секретарь. — Бугун комиссиямиз аъзолари яна бир муҳим масала муҳокамасига тўпланади. Унда жойларда участка сайлов комиссияларини тузиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида мутасаддин кишиларнинг ахборотлари тингланади.

Хонага кекса бир киши кириб келиши билан суҳбатимиз узилди.

— Келинг, отахон.

— Мен бир нарса хусусида сўрамоқчи эдим.

— Олдин фамилиянгиз, исмингизни айтинг, ёзиб олай.

— Отим Салим, фамилиям Одилов. Юнусобод массивининг 15-кварталида жойлашган 57-уйнинг 19-квартирасида яшайман. Биласизми, ҳар йили ертўламизга сув тўлиб қолади. Айниқса қишли-қировли кунларда бинонинг биринчи қаватида яшовчиларга оғир. Шу ҳақда бир неча марта ЖЭУга мурожаат этдик. Лекин натижаси кўринмади. Тўғри, улар бир неча слесарларни юборишади. Иш чала-чулпа битказилади. Кўп ўтмай яна ертўладан сув оқиб чиқади. Ахир қачонгача шу аҳволда яшаймиз. Ўйлаб-ўйлаб охири сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Секретарь отахоннинг сўзларини шикоят дафтарига ёзиб олди.

— Яхши,— деди у, — биз бу ҳақда ЖЭУга ўзимиз айтамиз. Илтимосингизни тез кунларда албатта қондиришади.

Отахон хурсанд бўлиб хонадан чиқди. Кейин навбатдаги сайловчи кириб ўзини таништирди. Биз Т. Мирусмоновага бошқа савол беришга иймандик. Чунки унинг иши ўзига етарли эди.

Хонани кўздан кечирамиз. Бу ерда СССР Конституциясидан тортиб, сайловга оид барча ҳужжатлар териб қўйилган. Қизил бурчакда газета ва журналларнинг янги сонларини ўқиш мумкин. Хуллас, бу ерга кирган ҳар бир киши сайлов округида сайловолди кампанияси қизғин бораётганлигининг шоҳиди бўлади.

М. КОМИЛЖОНОВ.

«ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ: МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР»

Шаҳримизда озиқ-овқат Программасини ҳал этиш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Шу йил февраль ойининг охири — март ойининг бошларида шаҳар партия комитетининг бўлажак пленумида шу муҳим масала — «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилашга доир шаҳар партия комитетлари ва ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинади.

Шу муносабат билан «Тошкент оқшоми» газета редакцияси область агросаноат комитети, шаҳар Совети ижроия комитетининг бошқарма ва бўлимлари, «Ташплодоовощпром» бирлашмасининг етакчи ходимлари ва мутахассислари иштирокида «Думалоқ стол атрофида» суҳбат уюштирди.

Унда шаҳарликларни озиқ-овқат, шу жумладан мевасабзавот маҳсулотлари билан таъминлашнинг долзарб муаммолари, уларнинг ечими ҳақида амалий таклифлар ўртага ташланди.

Бугун газетамизнинг иккинчи саҳифасида ана шу давра суҳбати билан танишасиз.

«Думалоқ стол атрофида»ги кишилар билан таншинг. Э. В. Раҳимов — «Ташплодоовошчпром» ихтисослашган саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари, Ф. Ж. Муҳиддинов — Тошкент область агросаноат комитетининг етакчи мутахассиси, П. К. Айрапетов — шаҳар бозорлар бошқармасининг бошлиғи, Ғ. Ҳ. Мансуров — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи, С. Х. Имомов — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари агросаноати комплексининг бўлим мудири.

Давра суҳбатини олиб борувчи Ҳ. Икромов — «Тошкент оқшоми» газетасининг экономика ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири.

Суҳбат мавзуи: аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун нималар қилиш керак?

Тошкент шаҳар партия комитетининг бўлажак пленуми олдидан

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ:

МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР

«Тошкент оқшоми»нинг «Думалоқ стол атрофида»ги давра суҳбати

Беш йилликнинг ўтган уч йили давомида областда пахта, ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум сотиш планлари муваффақиятли бажарилди. Озиқ-овқат саноати янада ривожланди.

Лекин эришилган натижалар аҳоли эҳтиёжини тўла қондиролмайди. Ҳали кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон боши ҳисобига етиштиришда Иттифоқдаги ўртача нормадан анча орқадамиз.

(Тошкент область партия комитетининг 1989 йил 5 январдаги бюро мажлисидан).

С. Х. Имомов. Э. В. Раҳимов. Ф. Ж. Муҳиддинов. Ғ. Ҳ. Мансуров. П. К. Айрапетов.

Бошловчи: КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган кенгаш материаллари билан матбуот, радио ва телевидение орқали танишсизлар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев шу йил март ойида ўтказиладиган пленумда аграр сиёсат масалалари муҳокама қилинажагини айтди. Бу муҳим Пленум бўлади! Унда гап аввало, давлат олдида турган энг муҳим муаммолардан бири — озиқ-овқат масаласи ҳақида боради... Озиқ-овқат масаласини ҳал этиш чўзилиб кетганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. «Бироқ,— деб таъкидлади у,—муаммони ҳал этиш учун бизда ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам табиий шароитлар борлигига ишончимиз комил».

Келинглар, ҳозирги ошкоралик ва демократия даврида шиорларсиз, амалий, ишчанлик руҳида, бафуржа дилимиздаги гапларни, турғунлик даврида тилимиз учида турган, аммо айтолмаган фикрларни ўртага ташласак...

Гап шундаки, шу йил февраль-март ойида Тошкент шаҳар партия комитетининг аҳолини Озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилашга доир пленуми бўлади. Унда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг худди шу масала бўйича қўйган вазифаларини ҳал этиш масалалари кун тартибига қўйилади. Кўпгина оқшомхонларимиздан келаётган хат-хабарларда ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдек муҳим социал-иқтисодий вазифани бажариш учун ҳозир қандай тадбирлар кўрилаётгани қизиқтирмоқда, жойлардаги нуқсонлар ҳақида очерк ёзишяпти.

Мана, шундай хатлардан бири. Гарчи у Самарқанд областидан келган бўлса-да, унда билдирилган фикрлар бошқа жойларга ҳам тегишли. Пойариқ районидаги Киров номли совхознинг катта зоотехниги Я. Нуриддиновнинг ушбу мактубини руҳсатинглар билан ўқиб бераман (ўзи қисқача хат). «Ҳурматли редакция ходимлари! Ушбу хатни ошкоралик даври, қайта қуриш кескин бораётган бир пайтда ёзишга жазм этдим. Сабаби, биз Нурота тоғ тизмалари орасида жойлашган қишлоқда яшаймиз. (Илгари Қўшработ районига қарарди). Биз томонлардаги магазинларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ёзиб қўйилмайди. Негадир бу одат тусига кирмаган. Натижада 1 сўм 60 тийинлик конфетни бемалол 2 сўм 80 тийиндан, яъни конфетни шоколад деб сотаверишади. Чунки нархи қанча эканлигини ҳеч ким билмайди... Наҳотки ҳозирги қайта қуриш даврида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фабрикаларда маҳсулот ўралган қоғозга унинг нархини ёзиб қўйиш шунчалик қийин бўлса? Худди шу гап чет эллардан келтирилган кийим-кечакларга ҳам тегишли...».

Шунингдек оқшомхонлардан А. Вафоев, Б. Бахтиёров, С. Раҳматов ва бошқалар ҳам бозорларда нарх-навонинг тобора ҳаволаниб кетаётгани, озиқ-овқат, айниқса дўконлардаги мева-сабзавотларнинг сифати пастлиги ҳақида нуюнчаклик билан фикр юритганлар. Ҳақли эътироз, шундай эмасми?

П. Айрапетов: Сўзни мен бошлай қолай. КПСС Марказий Комитетидаги кенгаш материаллари билан ҳар томонлама танишиб чиқдим. Қандай аччиқ, аммо очиқ гаплар айтилган-а. Бай-бай-бай. Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотига бағишлаб КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети биргаликда қабул қилган қанчаданқанча қарорлар турғунлик даврида бажарилмасдан қолиб кетди...

Бошловчи: «Оқшом»га, «Ишончли мулоқот» қабулхонасига келаётган хатлар, қилинаётган қўнғироқларда «Нега шаҳримиздаги бир бозорда нарх ундай-ю, бошқасида эса бундай, сабаби нимада?» деб сўрашяпти.

П. Айрапетов: Чунки аҳолининг талаб-эҳтиёжи ҳар хил-да! Кейинги вақтларда бу масала бирмунча муаммолашди. Аммо эътироз жуда ўринли! Масалан, «Қорасув» бозорида сабзавот маҳсулотларининг нархи бошқа бозорларга нисбатан 5—10 процент арзон. Сабаби зона шунақа: бу ерга сабзавот маҳсулотларининг келиши кўпроқ. Баҳоси арзонлиги боиси шунда. Оқшомхонлар билиб қўйишсин: бозордаги нарх доимо аҳолининг шу маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжига ва истеъмолчига боғлиқ. Чунончи бу йил картошка, вино узуми, олма қиммат. Картошка 80 тийиндан бир сўмгача, вино узуми 4—5 сўмга, олма 4 сўмгача чиқиб кетди.

Луқма: Ҳатто Россия, Новосибирск тарафларда бундан арзонроқ-ку. Бозорлар бирлашмаси нима иш қиляпти?

П. Айрапетов: Йилига шаҳримиз бозорларига жами, мева-сабзавот, дон-дун бўлиб 280—300 минг тонна келяпти. Булар хусусий сектор орқали! Тошкентдаги 13 та асосий бозор, 29 та филиали уларнинг хизматида. Агар 1987 йилда шаҳарда 6 та сабзавот дўкони очилган бўлса, ўтган йили бу 24 тага етказилди. Масалан, «Фарҳод» бозорида 5 та, «Бешёғоч» бозорида иккита ана шундай сабзавот дўкони очилди. 1988 йилда колхоз-совхозлар ҳисобига 3 минг тонна сабзавот олдик, холос. Шартнома орқали 6 минг тоннадан зиёд маҳсулот олдик. Бу бутун бозорда харид қилинаётган сабзавотнинг атиги бир процентини ташкил этади, холос. Атиги бир процентини! Колхоз-совхоз маҳсулоти бозор конкуренциясига қандай қилиб бардош беролсин? Ҳозир бу аҳволни тузатиш мақсадида область ва шаҳар Совети ижроия комитетлари биргаликда қарор лойиҳасини тайёрлаяпти. Унда колхоз-совхозлар қайси бозорга неча тонна маҳсулотни, қанча хилдаги маҳсулотни қайси вақтда етказиб бериши ҳал этиб берилса яхши бўларди. Бултур шунга ҳаракат қилгандик, бўлмади. Аммо ҳал қилса бўладиган реал таклиф эди.

Ф. Муҳиддинов: Мен шу фикр юзасидан битта гап айтмоқчиман. Реалликка —реал. Областимизда бу борада анча ишлар қилинди. Шаҳарликлар дастурхонига янги картошка, сабзавотлар келиб тургани шундан. Ҳозир кўпгина хўжаликлар ўз маҳсулотларини тўппа-тўғри фирмали магазинларга ё ярмаркаларга, бозорга олиб келишади. Аммо бу ҳали оз. Бош сабаби шундаки, «Ташплодоовошчпром»нинг оралиқ омборхоналари кўп. Уларга ёмон, сифатсиз маҳсулотлар олиб келиш ҳоллари ҳам кўп. Янги маҳсулот дам «Ташплодоовошчпром», дам область матлубот союзи омборхоналарида 2—3 кунлаб туриб қолади. Натижада сабзавот янгилик хусусиятини йўқотяпти. Оралиқ омборхонада икки-уч кун турган маҳсулот гоҳида дўконда ҳам 1—2 кун ётиб қоляпти.

Луқма: Шунинг учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

Ф. Муҳиддинов: Аввало, хўжаликларнинг ўзида саралаш пунктлари ташкил этганмиз. Бу бултур яхши натижа берди. Аммо ҳамма хўжаликда шундай пунктлар ташкил этиш лозим. Иккинчидан, мева-сабзавот сифати бузилаётганининг сабаби шуки, колхоз-совхозларда ишчи кучи кам: кўпинча мактаб ўқувчилари сабзавот йиғиштиришга жалб этилади. Улар қопми, дуч келган идишга солишяпти, маҳсулот сифати бузиляпти. Бу борада Ғалаба районидаги «Огонёк» совхози яхши тажриба тўплаган. У ерда ажойиб саралаш пункти бор. Аммо қуруқ гапдан нарига ўтмаётганлар ҳам сероб.

Э. Раҳимов: Турғунлик йилларида нуқул биз устқурма ҳақида қуруқ гапириб келдик. Базис ҳақида кам ўйладик. Ахир, бу муаммоларнинг илдизи қаерда? Илдизи — нарх-навонинг тузилишида! У давлат томонидан назорат қилинмаётганида! Қаранг, маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпайиб боряпти, аммо уни етиштириш нарх-навоси эса ўзгармаяпти. Натижада ҳамон у хўжаликларнинг рентабеллиги паст бўлишига олиб келяпти. Лавлаги, шолғом, турп нархи хўжаликлар учун 12 тийинга тушади, давлат эса 6 тийиндан сотади. Хўжаликлар бунинг устига эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот маҳсулотлари етказиб беришдан ҳам манфаатдор эмас. Масалан, карамни олайлик. Хўжаликлар эртаги карам биланоқ ялпи планни тўлдириб қўя қолишади. Нега? Чунки ўртаги ва кечки карамни етиштириш уларга икки-уч баравар қимматга тушади. Аммо арзонга сотишга мажбур бўлишади. Чунончи колхоз-совхозлар шартнома баҳоси бўйича (давлат баҳоси бўйича эмас!) ўзлари етиштирган маҳсулотнинг 30 процентигача сотиш ҳуқуқига эга. Демак, улар эртаги маҳсулотни, яъни қимматини шартнома баҳосида сотишга ҳаракат қилишади. Демак, колхоз-совхозлар ялпи маҳсулот топшириш планини тўлдирса бўлди, уёғига манфаатдор эмас. Уёғи омборда ётадими, чириб кетадими — иши йўқ.

Луқма: Ҳатто омборхонада чириш плани ҳам бор-ку, Чегириб ташлаш плани.

Ф. Муҳиддинов: Тўғри. Шунинг учун колхоз-совхозлар эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот маҳсулотлари етиштириш планларига аниқ эга бўлишлари керак. Шунда сабзавот омборхонада уюлиб ётмайди.

Бошловчи: «Дала — магазин» усули сабзавотларнинг ўз вақтида шаҳарга келишига қулай имконият бермайдими? Масалан, янги сабзавот дўконлари бор-ку.

Ғ. Мансуров: Бу саволга мен шундай жавоб бермоқчиман. Ҳозир «Дала — транспорт — омбор—магазин» усули бу шунчаки линия, холос, аслида у иқтисодий манфаатдорлик асосига қурилмоғи керак. Шунчаки план бору, иқтисодий рағбатлантириш ричаги йўқ ҳали. Қаранг, бизда умуман озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш саноати йўқ ҳисоби. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кўрайлик. Илгарилари қовун, тарвуз, олча мураббо ва қоқилар бўларди. Ҳозир ҳатто помидор томати ҳам тўла етказиб беролмаяпти! Сабаби — бизда қишлоқ билан алоқада аниқлик йўлга қўйилмаганида. Нонни олайлиг-а. Корхоналар ялпи планни бажарса бўлди. Аммо нон турлари-чи? Йўқ ҳисобида. Балиқ-чи? Қайта ишлаб, дудланган балиқларни ким олмайди, дейсиз. Аммо бунга имкониятимиз йўқ-да.

Бошловчи: Бу фикрингиз тўғри. Ўйлаб кўришга арзийдиган таклиф. Аммо «Оқшом»га келган бир қанча хатларда шаҳримизда қанд-шакар ва бошқа баъзи озиқ-овқат турларининг тақчиллигидан ташвишланишяпти...

Ғ. Мансуров: Тушундим. Гўшт, шакар бутун Иттифоқимизда проблема эди. Ҳозир стабиллашяпти. Оқшомхонлар ахбороти учун айтиб қўяй: шакар бултургисидан камаймади, ошди! Аммо талаб-эҳтиёж ҳам ошяпти-да. Ҳар йили аҳоли сони кўпайяпти, ахир. Областдан янги хонадонлар қўшилди. Бу — бир. Иккинчидан, баъзиларда ваҳимага берилиш «касаллиги» бор. Шакарни кўп олишади. Натижада бошқаларнинг ҳиссасини ҳам олиб кетишади.

Биз гўшт, шакар, ҳатто нонни ҳам деярли четдан оляпмиз. Ўз республикамиз-чи? Турғунлик даврида ҳатто кондитер маҳсулотларини ҳам четдан олардик. Бу — монокультура оқибати.

Бошловчи: Озиқ-овқат таъминотини яхши йўлга қўйиш учун конкрет қандай таклиф киритасиз?

Ғ. Мансуров: Аввало маҳсулотни ўрашқадоқлаш ишини яхшилаш лозим. Структурага ўзгартиш киритиш керак. Чунончи улгуржи савдо бор, чакана савдо бор. Хўжаликлар шартномани «улгуржи» билан тузади-да, «чакана» кейин маҳсулотни улардан олади. Бунда «улгуржи»нинг маҳсулот ўз қўлидан кетгач, чирийдими-бузиладими, иши бўлмайди. Иккаласини, яъни ҳам «улгуржи», ҳам «чакана»ни битта қилиб, яхлит бирлаштириш зарур.

Луқма: Бултурдан савдо ташкилотлари хўжалик ҳисобига ўтди. Ёрдами тегяптими?

Ғ. Мансуров: Фақат хўжалик ҳисоби эмас, ижара усулига ҳам ўтдик. Бу йил «Болалар дунёси» магазини ижарага берилади. Қани, энди маҳсулот турлари кўп ва мўл-кўл бўлса... Хўжалик ҳисобида ҳар бир савдо ходими ойлиги ўртача 6 сўмга ошди. Яқинда маъмурий аппаратни қисқартиришга ўтамиз.

С. Имомов: Шаҳар Совети ижроия комитети область Совети ижроия комитети билан бирга аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг 1995 йилгача бўлган программасини ишлаб чиқмоқда. Бундан мақсад—ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжни қондириш, қайта ишлаш саноати, маҳсулот реализацияси тармоқлари ишини пухта таҳлил этиш. Бу ерда жуда ҳаққоний гаплар айтилди. Мен такрорлаб ўтирмайман. Фақат шуни айтмоқчиман: мазкур программага мувофиқ шаҳар ва область саноат корхоналари ҳар йили область агросаноатига тегишли озиқ-овқат саноати учун ностандарт ускуналар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беради. Масалан, Тошкент асбобсозлик заводи Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасига ва ёғ-мой комбинатига тавсия этилган намуналар бўйича эҳтиёт қисм ва узеллар тайёрлайди. «Узбекхлопкомаш», «Таштекстильмаш», радио-техника буюмлари корхоналари Қибрайдаги чанқовбосди ичимликлар комбинатига, «Тошкентпиво» бирлашмаси, «Тошкент вино» комбинати ва «Ташмолоко» бирлашмаси учун буюмлар тайёрлаб беради. Улар орасида В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор», «Подъёмник», «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа саноат корхоналари бор.

Э. Раҳимов: Озиқ-овқат Программасини ҳал этишда кўп нарса қишлоқ районлари билан амалий алоқаларга бориб тақалади.

П. Айрапетов: Мен ҳам худди шуни айтмоқчи эдим, областнинг ҳар бир райони, ҳар бир хўжалиги билан алоқа ўрнатиш жуда-жуда зарур.

С. Имомов: Бу борада ҳам ўйлаяпмиз. Мана, биргина мисол. Тошкент областининг мева-сабзавот ва картошка хўжаликлари рентабеллигини ошириш мақсадида шаҳарнинг ҳар бир районидаги саноат корхоналари областнинг қишлоқ районларига биркитиб қўйилди. Хўжаликларга шартнома асосида 30 процент маҳсулотини ва пландан ортиқча етиштирилган ҳосилни етказиб бериш масалаларини конкрет ҳал этишда бевосита амалий ёрдам кўрсатишади. Шу йил 10 январда область ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари биринчи «Қишлоқ соати»ни ўтказдилар. Унда шаҳар ва область районларининг ижроия комитетлари раислари иштирок этишди. Бу борадаги иш келгусида яна давом эттирилади.

Бошловчи: Бу жуда яхши! Биз қишлоқ районларининг, хўжаликларининг шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишига доимо шундай «очиқ чеҳра» билан қарашларини, бундан ҳеч қачон юз ўгирмасликларини истаймиз, албатта! Энди шу ерда бир жиддий муаммо ҳақида ўйлаб кўрайлик. Бу ердаги гаплардан шу нарса маълум бўляптики, биринчидан хўжаликлар ва шаҳардаги тегишли ташкилотлар фақат планни тўлдириш билан машғул экан. Уларни маҳсулот сифати ва турлари кам қизиқтираркан. Бошқача айтганда сифат ва турга талаб йўқ ҳисобида. Иккинчидан, колхозлар-совхозлар маҳсулотни шаҳар омборларига келтириб ташлашдан манфаатдор, чунки уларга етиштириш осону сотиш эса азоб...

Ф. Муҳиддинов: Транспорт азоби ҳам бор.

П. Айрапетов: ГАИлардан ўтиш-чи? Шунинг учун ҳам мева-сабзавот то даладан бозорга келгунча қимматга тушиб кетяпти. Қийин-қийин, шаҳар аҳолисига қийин бўляпти, нарх-наво чақиб оляпти.

Бошловчи: Энди қаранг-да. Аҳоли бозор ичидаги сабзавот дўконидан эмас, қўлдан олишни афзал кўради, қимматига бўлсаям. Сабаби бозорда сарҳилини олади. Дўконда эса сўлигани, чиригани, сорти пасти бор, холос. Қандай қилиб энди дўкон (магазин) бозор билан рақобатлашади? Бу масалада ким бош қотиради?

Ф. Муҳиддинов: Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин. Областда кейинги олти етти йил ичида масалан, картошка етиштириладиган майдонлар 4,3 минг гектарга қисқариб кетди ёки картошка ҳосили 2,5 баравар камайди.

Луқма: Шунинг учун хусусий секторнинг қўли баланд-да! Бозорга у ўз таъсирини ўтказяпти.

П. Айрапетов: Эшитишимча, ҳозир Тошкент областида 50 дан ортиқ хўжалик...

Луқма: 60 га яқин хўжалик!

П. Айрапетов: Ҳа, 60 га яқин хўжалик эртаги картошка етиштирмайди, ҳолбуки бунга тўла шароити бор! Бозорга эртаги маҳсулотни қачонгача биринчи бўлиб хусусий сектор олиб келади? Хўжаликларимизчи? Картошкани Россиядан олиб келяпмиз. Ўзбекистон ўзини картошка билан таъминлай олмайдими, тўла таъминлай олади! Шаҳарни Янгийўл ёки Коммунистик райони бемалол эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаши мумкин!

Луқма: Маҳсулот етказиб бериш структурасига ҳам боғлиқ бу. Уни тубдан ўзгартириш керак!

П. Айрапетов: Жуда тўғри! Очиғи, Тошкент области хўжаликларидан Тошкент бозорларига жуда кам мева-сабзавот келади (бозор асосан хусусий сектор қўлида!). Андижон, Наманган областлари, айниқса, сабзавотнинг ёмонини Тошкентга жўнатяпти. Аммо қаерларгадир мева-сабзавотнинг сарҳилини юборишмоқда.

Ф. Муҳиддинов: Қачонки биз ўзимизнинг Тошкент областида мева-сабзавот ва картошка етиштириш ва Тошкент шаҳри аҳолисини таъминлашни яхши йўлга қўймас эканмиз, аҳвол шундай давом этаверади. Ҳозирча аҳвол яхши эмас. Мана, бир факт. Аҳоли жон бошига 1987 йилда область 45 ўрнига 14 килограммдан картошка етиштирибди. Мева етиштириш ҳам икки ҳиссадан зиёд камайган. Аҳоли шундан норози-да!

Ҳозир 1989 йилда картошка майдонини областда 3 минг гектарга кўпайтириш мўлжалланаяпти. Картошка етиштириш тўла оила ва ижара пудратига ўтказилади. Сабзавот ҳам бу йил 755 минг тоннага кўпаяди. Бунинг учун теплица комбинатлари қурилади, улар иши йўлга қўйилади. Шаҳар саноат корхоналари оталиғида 80 гектардаги теплицалар реконструкция қилинади, 20 гектар майдонда янги теплицалар барпо этилади.

С. Имомов: 1989—1995 йилларда шаҳар ва областга қарашли матлубот кооперациялари, савдо системасидаги корхоналарнинг қувватлари анча оширилади! Хуллас, яхши-яхши режаларимиз кўп...

Бошловчи: Демак, шаҳримиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун ҳамма шарт-шароитлар ва асослар бор. Шаҳар партия комитетининг бўлажак пленумида бу масала кенг ва атрофлича кўриб чиқилади.

Қимматли фикр-мулоҳазаларингиз учун раҳмат!

Рус тилини ўрганамиз

3-сабоқ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ҳузуридаги миллий муносабатлар ва тил муаммолари советининг аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Алибек РУСТАМОВ таҳрири остида.

Ҳар бир тилни яхши ўрганиш ва ундан тўғри фойдаланиш учун турли тилларнинг тузилишидаги фарқларни билиш керак. Бинобарин, ушбу сабоғимизни тилларни турли гуруҳларга ажратувчи умумий хусусиятларга бағишлаймиз.

Биз тилнинг тузилишига назар соладига бўлсак, биринчи навбатда унинг сўзлардан иборатлигини пайқаймиз. Сўзнинг товуш ва маъно жиҳатлари бор. Ўз борлиқда, жумладан, киши зеҳнида мавжуд бўлган ваинсон ясаган нарсаларни билдиради. Масалан, оёқ остидги жисм ўзбек тилида «ер», тожик тилида «замин», рус тилида «земля» деб аталади. Бош устидаги фаз ўзбекчада «кўк», тожикчада «осмон», русчада «небо» дейилади. Қорамолни ўзбек «сигир», тожик «гов», рс «корова» дейди. Ихтиёрий ҳаракатга эга бўлган мажудотга хос ҳаракатлардан бири ўзбек тилида «юрмоқ», ожик тилида «рафтан», рус тилида «ходить» деган сўзлэ билан ифодаланади. Мавжудотга хос хусусиятлар ҳам, масалан, «катта», «калон», «большой», «оқ», «сафе», «белый»; «яхши», «нагз», «хорошо» сингари сўзлар билан ифодаланади. «Бир», «икки», «як», «ду», «один» «два» сингари миқдор билдирувчи сўзлар ҳам бор.

Борлиқдаги мавжудот орасида муносабат,нарса ва ҳодисаларнинг замон ва маконга ҳамда бир-брига нисбати бор. Ана шундай нисбатлар ҳам тилда ак эттирилади. Бир нарсанинг замон ва маконга бўлган исбати ўзбек тилида «—да», «—та» элементи билан, тжик тилида «дар», рус тилида «в», «на» ҳамда «э» (е элементлари билан ифодаланади. Масалан, ўқувчининг актабдалигини билдириш керак бўлса, ўзбекчада «мактбда», тожикчада «дар мактаб», русчада «в школе» дейилади.

Муносабат билдирувчи элемент ўзи тегшли бўлган сўзга тўлиқ қўшилмаса, уни «кўмакчи» ки «ёрдамчи сўз» деб атайдилар, қўшилса «қўшимча» дйдилар, агар сўзни ўзининг таркибида бўлса, уни «тугама» деб юритадилар. Масалан, «мактабда» деганимизаги «—да» маъносидаги «дар» ва «в школе» дегандаги «в», (талаффуз эътибори билан «ф») кўмакчи, «школ» охиридаги «э» деб айтиладиган «е» эса тугамадир. Демк, тилда сўз, кўмакчи, қўшимча ва тугама бўлар экан.

Сўз ҳамма халқ тилларида бор. Тугама кўп тилларда йўқ, кўмакчи кўп тилларда бор. Қўшимча фақат муносабат эмас, нарса ва ҳодисанинг хоссаси, сифатида, хусусияти ва шунга тааллуқли тушунчаларни ҳам билдиради. Дейлик, биров ўқийди, биров ўқитади. Шу икки хил иш ни бажарувчи шахснинг бирини «ўқувчи», иккинчисини «ўқитувчи» деймиз.

«Ўқувчи» ва «ўқитувчи» дегандаги «—чи» қўшимчаси иш бажарувчи кишини билдиради. «Ўқув» билан «ўқувчи» ва «ўқув» билан «ўқитувчи» воқелик нуқтаи назаридан турлича бўлгани ва мазкур сўзлар аа шу ўзгача нарсаларни билдиргани учун улар турли сўз деб тушунилади. Шунга асосан «—чи» қўшимчаси ясовчи, яъни бир сўздан ўзга сўз ясовчи элементдир.

Шундай тиллар борки, унда тугама ва қўшимчалар бўлмайди, кўмакчиларни ҳам сўздан фарқлш қийин бўлади. Бундай тилларда сўзларнинг бошқа типдаги тилларгадгидек формалари бўлмайди. Масалан,ўзбек тилида «ўқувчи» сўзининг «ўқувчининг», «ўқувчни», «ўқувчига», «ўқувчидан» сингари бир неча формаси бор. Рус тилида ҳам «ученик» сўзининг «ученика» «ученику», «учеником» сингари бир неча формаси мвжуд. Аммо мазкур тилларда сўз ҳамма ҳолда ҳам ўзгаишсиз қолаверади. Ўзгача тилларда қўшимча ва тугмалар билан ифодаланадиган маъно бу тилларда сўз в сўз тартиби билан ифодаланади. Ана шундай тиллар «морф», яъни формасиз, шаклсиз ёки «ўзак тиллар» дебаталади. Хитой, вьетнам, дунган каби тиллар аморф тилардандир.

Яна шундай тиллар ҳам борки, булард сўзларнинг гапдаги муносабати асосан кўмакчилар билн ифодаланади. Бундай тилларда ҳам тугама йўқ, қўшмчалар бўлади, лекин қўшимчаларнинг отга қўшилиб сўзни сўзга боғлайдиган тури бўлмайди. Бундай тиллр «аналитик тиллар» деб аталади. Тожик тили аналитик яъни кўмакчили тилларгандир.

Яна шундай тиллар ҳам борки, булард сўзларнинг гапдаги муносабати асосан қўшимча билан ифодаланади. Бу тилларда ҳам тугама бутунлай бўлмайд, кўмакчилар бўлади, аммо аналитик тиллардаги даражда бўлмайди.

Бундай тиллар «агглютинатив», «аффксли», яъни қўшимчали тиллар деб аталади. «Агглютнатив» сўзи «агглютинация» сўзидан олинган сифатди «Агглютинация» ёпишиш дегани. Шарқ тилшуносла «агглютинация»ни илтисоқ дейдилар. Қўшимчали тиларда қўшимчалар ўзакка кетма-кет ёпиштирилгани учун ўн тўққизинчи асрда ўтган немис тилшуноси Франц Бопп уларни агглютинатив тиллар деб атаган.

Туркий тиллар, жумладан ўзбек тили қўшимчали тилларгандир.

Яна шундай тиллар ҳам борки, булардакўмакчи ҳам бор, қўшимча ҳам бор, шу билан бирга сзнинг ўзгарадиган қисми ҳам бор. Сўзнинг ўзгарадин қисми ва унинг ўзгариши «флекция» деб аталади. Шарқ тилшунослари буни «изроб» деб атайдилар. «Фексия» сўзининг луғавий маъноси қайишишдир. Сўзнг ўзгарадиган қисми ўзак ичида ҳам бўлиши мумкн, ўзакнинг ташқи қисмида, сўз охирида ҳам бўлиши мумкин. Ўзак ичидагиси «ички флексия», ўзак ташидаиси «ташқи флексия» деб аталади. Ички флексия ташқиси билан биргаликда араб тилида бор. Ташқи флекси славян тиллари, жумладан, рус тилида мавжуд бўлиб бу тилларда ги тугама ва унинг ўзгариш флексиядир. Мана шундай тилларни «флектив» ёки «изроблн» тилла деб атайдилар.

Баъзан қўшимча билан тугамани бир-биидан фарқламаслик ҳоллари учраб туради. Аммо булар орасида кескин фарқ бор. Мисол учун тугамасиз қшимчали тил бўлган ўзбек тилидаги «китоб» сўзи билантугамали тил бўлган рус тилидаги «книга» сўзини чоғитирсак, қўшимча билан тугама орасидаги фарқ яққолезилади. Ўзбекчада «китоб» сўзи бутун бир бўлакда иборат ва унинг қайишадиган, яъни ўзгарадиган қисм йўқ. Русчада «книга» сўзи икки қисмдан, «книг» ва «а» қисмларидан иборат бўлиб, унинг «а» қисми ўзгаручан қисмдир. Ўзбекчада «китоб» сўзининг турли формаари унга қўшимча қўшиш билан ҳосил қилинади. Русчада «книга» сўзининг турли формалари қўшимча қўши билан эмас, шу сўзнинг ўзгарувчан қисми бўлган «а»н ўзгартириш йўли билан ясалади.

Тилшуносликда «полисинтетик», яъни кўтаркибли деб аталувчи тиллар ҳам мавжуд бўлиб, бу тиларда гап бўлаклари бир-бирига қўшилиб, бир қўшма ўз шаклини олади. Масалан, шимол тиллари шундай тилар қаторига киради.

Шундай қилиб, дунё тиллари тузилиш жиҳатдан ҳам турли гуруҳларни ташкил қилар экан ва ўзбек тили агглютинатив — илтисоқий ёхуд аффикси тилларга мансуб экан. Қўшимчали тилларнинг муҳи хусусиятларидан бири, уларда фикрнинг асосан содд гап тарзида ифодаланишидир.

АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

Муҳтарам газетхон! 2-сабоқда («Оқшом»нинг 13 январь сонидаги) 6-абзацнинг 4-қаторидаги «Ҳарфия билдирган товуш» иборасини «Ҳарфи билдирилган товш «ч»нинг жарангли жуфти» деб ўқишингизни сўраймиз.

Республика бўйлаб

ХУШХАБАРЛАР

● Денов ёғ-экстракция заводининг коллективи январь ойининг биринчи ярмида пландан ташқари салкам икки юз тонна тозаланмаган ва эллик тонна қадоқланган ёғ ишлаб чиқарди. Маҳсулотни жойларга, жумладан Афғонистон Республикасига жўнатиш мажбуриятн муваффақиятли бажарилди.

Коллектив завод хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаган ўтган йилги муваффақиятни шу тарика мустаҳкамлади. Меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси ишлаб турган ходимлар сонини қисқартириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва бир йилда олинадиган фойдани ярим миллион сўмдан ортиқ кўпайтириш имконини берди.

● Боёвут район матлубот жамиятининг магазинларида оилавий тантаналар учун эндиликда торт ва пирожноелар, кекс ва пироглар, бошқа кондитер маҳсулотларига буюртма бериш мумкин. Кооператорлар қишлоқдаги харидорларга хизмат кўрсатишнинг ана шундай усулини жорий этдилар.

Бундай маҳсулотлар қишлоқдагина ғоят харидоргир бўлиб қолмай, уларни Гулистон шаҳрида ўтказиладиган анъанавий районлараро ярмаркаларда шаҳарликлар ҳам хуш кўриб харид қилмоқдалар.

● Сирдарё областининг Мирзачўл районидаги Ленин номли, Абай номли ва Сегизбоев номли ўрта мактаб ўқитувчилари ўзларининг бир кунлик иш ҳақини зилзиладан зарар кўрган Арманистон аҳолисига ёрдам фондига ўтказдилар. Ана шу мактабларнинг ўқувчилари эса токларни кўмишда ишлаб топилган маблағни 700412 счётга ўтказдилар. «Иржар» темир йўл станциясининг ходимлари ҳам ана шу қардошлик ва меҳр-шафқат фондига пул ўтказдилар.

(ЎзТАГ).

Жонажон Ватан бўйлаб

✦ РОССОШЬ (Воронеж области). Етиштирилган барча ҳосилни шу ернинг ўзида сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга жўнатиш муаммосини ҳал этишда Воронеждаги «Заря придонья» совхоз-заводига бинокорлар ёрдам беришади. Бу эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга имкон беради. Бинокорлар сабзавот ва меваларни консервалайдиган автоматлашган цех қурилишини бошлаб юбордилар. Бу цехни ҳосил йиғиштириб олинадиган янги мавсумда фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Цех лойиҳадаги қувватга кўра, йилига бир ярим миллион шартли банка маҳсулот тайёрлайди. Айни вақтда бир ярим минг тонна сабзавот сақланадиган омбор қурилиши бошлаб юборилди.

✦ НУКУС. Қорақалпоғистон харитасида янги «Бўстон» деган совхоз пайдо бўлди. У қўриқ массивда ташкил этилди. Оржоникидзе номли совхоз марказий қўрғонидан 50 километр масофада жойлашган бу қаровсиз ерлар бутун хўжаликнинг рентабеллик даражасини кескин тушириб юборган эди. Маҳаллий посёлкадаги бинолар жуда эскириб кетган эди. Энди қишлоқнинг ҳам, заминнинг ҳам ўз хўжайини пайдо бўлди: бу ерга янги совхознинг марказий қўрғони жойлашди. Социал-маданий-маиший объектларни капитал ремонт қилиш учун маблағ ажратилди, табиий газ келтирилмоқда.

Арманистон ССР. Суратда: спитаклик Алисса Хайкухи ўзининг беш яшар қизи билан Ереавандаги касалхоналардан бирида ётибди. Улар ўз ошхоналарининг вайроналари остидан эсон-омон чиқиб олишди, аммо қизалоқнинг оёғи синган экан.

А. Уриханян фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

✦ ДУШАНБЕ. Янги хайрия ташкилоти — раҳм-шафқат ва сиҳат-саломатлик совет фондининг Тожикистон бўлими социал тез ёрдам вазифасини ўз зиммасига олди. Давлат, кооператив, жамоат ташкилотлари, айрим гражданларнинг кўнгилли равишда берган хайр-эҳсонлари, фонд активлари ўтказадиган хайрия тадбирларидан тушадиган маблағлар соғлиқни сақлаш базасини ривожлантиришга, ёлғиз қолган кексаларнинг уй-интернатларини жиҳозлашга, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, интернационалчи - жангчиларнинг социал шароитларини яхшилашга сарфланади. Маблағларнинг бир қисмини ёлғиз қолган кишилар ҳамда қарияларга қарайдиган раҳм-шафқат хизмати ва кооперативлар тармоқларини ривожлантиришга сарфлаш мўлжалланмоқда.

✦ ОРСК (Оренбург области). Т. Г. Шевченко номли Орск педагогика институтида буюк қўбизчининг шеърлари талабалар — қозоқ қизлари ижросида украин тилида янгради. Украин шоири ва санъаткори ижодий меросини ўрганиш бўйича бу ерда тузилган илмий тўгаракда унинг асарлари тилини ўрганиш мўлжалланган. Тўгаракка йигирмадан ортиқ талаба ёзилган. Улар студентлар ҳузурида ўзлари тайёрлаган тақризларни ўқийдилар, Украина шонли фарзандининг номи билан боғлиқ бўлган мамлакатимиздаги музейлар ва мактаблар билан алоқалар ўрнатадилар.

✦ КРАСНОЯРСК. «Красноярскуголь» бирлашмаси Япония фирмалари билан ўзаро фойдали алоқани йўлга қўйди. Пландан ташқари қазиб олинадиган тошкўмир концентрати Японияга етказиб берила бошлади. Японялик шериклар Красноярск ўлкасига замонавий техника ва медицина ускуналари, компьютерлар ва халқ истеъмол моллари юборадилар.

Илгариги мавзуга қайтамиз

БИР ҚЎЛТИҚҚА ИККИ ТАРВУЗ

ЁКИ М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ РУС ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИ ҚУРИЛИШИДАГИ САНСАЛОРЛИК ҲАҚИДА

Техник характеристика: адреси Навоий кўчаси. Бинонинг лойиҳасини «ТашНИИгенплан» институти яратган. Умумий смета баҳоси 19 миллион 113 минг сўм.

Қурилиш ишлари 1975 йилда бошлангани билан асосан 1984 йилда қизғин киришилди. 11-«Висотстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар шу трестнинг 69-қурилиш бошқармаси бинокорлари мазкур бинонинг мутасаддиларидир.

Қор ёққан биринчи кунда қурилиш майдонига бордик. Ҳаммаёқ жим-жит. Гўё иш вақти тугаб, қурувчилар уйларига тарқаб кетгандай. Ваҳоланки, тушлик тамом бўлганига энди бир соат бўлганди. Бино ичига кирамиз. Елвизак, совуқдан этингиз жунжикади. Бурчак-бурчакда қурувчилар гулхан ёқиб исиниб ўтиришибди. Атрофда қурилиш материаллари тартибсиз сочилиб ётибди.

Одатда, қурилиш майдонлари, бино ичлари қиш ойларида, совуқ кунларда ишлаш учун мослаштирилади. Пардозлаш ишларини олиб боришда хона ҳарорати илиқроқ бўлишини ҳисобга олиб, эшик-ромлар ўрнатилади. Бироқ бу ерда пардозловчилар ишлаши учун умуман шароит йўқ. Ҳатто бино томи тўлиқ ёпилган эмас. Ичкарида ҳали монтаж ишлари тугалланмаган. Қачон ниҳоясига етади, деган саволга ҳеч ким лом-мим дея олмади.

Ташқаридаги тартибсизликлардан пешонангиз тиришади. Қурилиш материаллари: бир томонда темир-бетон, бир томонда металл буюмлар, синиқ ғиштлар оддий тупроқдек оёқ остида эзилиб, исроф бўлиб, лой, тупроққа қоришиб ётибди.

Давлатнинг минглаб сўм пули, ўнлаб, юзлаб кишиларнинг меҳнати ҳавога совурилаётгани учун ачинасиз. Ахир, ҳар бир дона ғиштни тайёрлаш учун озмунча ҳаракат керакми? Металл қуйиб, бу ерга етказиб келиш учунчи?

Қаердадир кран етишмай иш тўхтаб ётибди. Бу ерда эса учта минорали кран «иззатда». Маълум бўлишича, икки кран етиб ортади. Учинчисини аллақачон бошқа қурилиш объектига жўнатиш керак эди. Лекин бош қотирадиган киши йўқ. Қаерда интизом бўлмаса, у ерда ишлардан муваффақият кутиш хом хаёлдан бошқа нарса эмас. Бу ердаги интизомсизликни яна бир факт билан изоҳласа бўлади. Театр биносини тиклашда иштирок этадиган ташкилотларнинг тўлиқ номини ёзиб чиқиш учун бир варақ қоғоз етмайди, бироқ ҳозирги кунда ишлаётган ишчилар сонини бармоқ билан санаш мумкин. Ваҳоланки 400 дан ошиқ ишчи меҳнат қилиши керак.

Ўтган йили давлат плани бўйича бош пудратчи ташкилот беш миллион сўмлик иш бажаришлари лозим эди. 11-«Висотстрой» трестидагилар бу планни «таҳрир» этиб 3 миллионга рози бўлишди. Кучлари етмас эмиш. Аммо ўша уч миллион ҳам ҳавода қолди. Йил бўйи бажарилган ишлар лоақал 2 миллион сўмга ҳам етмади. Учинчи-тўртинчи кварталларда бош пудратчилар асосий иш қолиб театр атрофидаги ободонлаштириш юмушларини амалга ошириб, планни шу йўл билан бажармоқчи бўлишди. Бу ишларга пул ажратилмаганини эшитиб, ҳафсалалари пир бўлди. Ҳаммаёқ кавланиб, ўйдим-чуқур ҳолича қолди.

Аслида қурилиш 1975 йилда бошланиб, ҳанузгача судралиб келинаётганининг сабабини қидирсангиз ҳеч ким айбни ўзига олишни истамайди. Бош пудратчи архитекторларни лойиҳани вақтида тайёрлашмади, деб айбласа, лойиҳачилар буюртмачиларни ёмонлайди, буюртмачилар эса пудратчилардан дод дейди.

Жиддийроқ ёндошсангиз, ҳамма нарса аён бўлади. Бино тепасида фигурали мармар ўрнатилиши лозим. Бироқ оддий мармарни лойиҳадагидек қилиб ўрнатадиган уста топилмаётган эмиш. Шу сабабли қурувчилар бошқа ишларни бажаришга имкон йўқлигини рўкач қилишаяпти. Томоша залидан фойега чиқиш учун ўрнатиладиган эшик, умуман кам учрайдиган. республикамиздагина эмас, балки иттифоқимизда саноқли ҳисобланади. Эшик ичкарига ҳам, ташқарига ҳам очилмайди, девор ичига киргизилади. Эни 20 метрлик бу ноёб қурилмани тайёрлашни шаҳардаги бирорта корхона бўйнига олаётгани йўқ. Ўта нозик ва мураккаб қурилмани бошқа оддийроғига алмаштириш ҳақида буюртмачи ҳам, бош пудратчи ҳам бош архитекторга бир неча марта мурожаат этишди. Лекин Ю. А. Халдеев оёқ тираб туриб олган. Ўша ноёб эшик ясайдиган уста топилмаётгани қурувчиларга зўр баҳона бўляпти. Пудратчилар номигагина ишчи юбориб, майда-чуйда юмушларни бажаришяпти.

Шу ўринда бир савол туғилади. Бинони фақат камёб материаллар билан қуриш шартми? Ўзбекистонда мавжуд қурилиш материаллари билан ҳам гўзал, томошабинлар дидига мос қилиб бунёд этиш мумкин-ку. Нега энди алюмин витражни Москвадан келтириш, 20 метрли эшик бунёдкорларини Финляндиядан чақириш лозим. Очиғи оқ мармар камёб нарса. Тўғри, театр биноси учун ҳар қанча камёб бўлса ҳам арзийди. Бироқ бино учун 3 минг квадрат метр оқ мармар керак. Яқин икки йил ичида бор-йўғи 800 квадрат метр камёб маҳсулот келтирилди, холос. Ҳаммасини олиш учун яна уч йилдан кўпроқ вақт керак бўлар экан.

Кичик томоша залида иш бошланди-ю тўхтади. Сабаби, металл конструкциялар йўқ. Бунга 300 тонна металл керак. Лекин Тўйтепа металл конструкциялар заводи нимагадир уни бермаяпти.

— Фигурали мармар усталари каби карниз ва зиналарни ҳам ким ўрнатиши номаълум. Ҳеч бир ташкилот зиммасига олмаяпти, — дейди буюртмачи Мигдад Амиров. — Мана, ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили ҳам бошланди. Бош пудратчилар эса турли баҳоналар қидирмоқдалар. Сабаби бу йил ҳам театр биносини топшириш ниятлари йўқ. Улар бу йил 2 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришга ноилож рози бўлишди. Яна 5 миллион 700 минг сўмлик ишлар қолди. Ундан ташқари ободонлаштириш, фавворалар, ёритиш системалари каби бир қатор ишларга 2 миллион 660 минг сўм ажратилган. Бу ишлар мутасаддиси кимлигини билмасалар ҳам керак!

Одатда, пудратчи, лойиҳачи ва буюртмачилар бир ёқадан бош чиқариб иш юритадилар. Бу ерда эса мутлақо аксини кўрасиз. Ўтган йил ўрталаригача мазкур уч ташкилотнинг мутасаддилари иштирокида тез-тез йиғилиш, қурувчилар тили билан айтсак «планёрка» ўтказилиб турарди. Инженер, мастер, бригадир, архитекторлар кенгашиб қилинадиган ишларни режалаштириб, маслаҳатлашиб олардилар. Яқин беш ойдан бери бундай йиғилишга «барҳам» берилди. Ҳозир ҳар ким ўз билгича иш тутаяпти. Ишчилар аниқ иш программасига эга эмас. Шунинг учун ҳам унум йўқ. Номигагина ишга келиб кетишаяпти. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтиш керак-ки, бош путратчи ташкилотлар коллектив пудрат методида ишласа, қайси чўнтагидан учта сўппайиб турган кўтарма кранларга ҳақ тўлар экан? Ишчиларга-чи? Буюртмачининг гапи бўйича, бу жабҳада 400 дан кўпроқ одам ишлаши керак эди. Хўш, объектда бундай ҳол рўй беришига сабаб нима? Ким айбдор? Пудратчими, буюртмачими ёки лойиҳачи? Бу ерда ҳар ким айбни ўзидан соқит қилмоқда.

Биз юқорида айтиб ўтдикки, айрим ишларни бажарадиган «қаҳрамон»нинг ўзи йўқ. Кейинги ишлар эса шу билан боғлиқ, энди ҳамма гап лойиҳага келиб тақалмоқда. Бош архитектор Ю. А. Халдеев ноёб бинони ноёблигича қолдираверишни истайди. Ишни жадаллаштириш, бинокорларни тўхтатиб турмаслик, қолаверса, театр ихлосмандларига тезроқ эшикларни очиш учун 20 метрлик ноёб ва мураккаб эшик ўрнига чиройли, бежирим эшик ўрнатса бўлмайдими? Ёки яна бир беш йилликни мўъжиза билан кутиб, муаммолар гирдобида ўтказадими?

Д. ОБЛАЕВ,
С. ШАМСИДДИНОВ.

«Ташгоршвейбит»га қарашли 2-ательеда аҳоли буюртмалари ўз вақтида бажариб берилмоқда. Ўз ишига сидқидилдан меҳр қўйган усталар мижозлар буюртмасини сифатли баришга ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТДА: ателье чеварлари.

У. Усмонов фотоси.

Ҳукм ўқилгандан сўнг

Яқинда Сергели район халқ суди бир жиноий ишни кўриб чиқди. Қора курсида ўтирган ўрта ёшлардаги йигит ишсиз, тайинсиз шахс эмас, туппа-тузук одам. Катта бир идоранинг — Тошкент кўчма механизациялашган колоннанинг бошлиғи эди...

У қандай қилиб жиноятчига айланиб қолди!

...Бригадир Усан Жаҳонгиров Тошкент область Калинин район Охунбобоев номли совхозда нефть омбори қуриш бўйича Тошкент механизациялашган кўчма колоннаси билан шартнома тузди. Лекин қурилиш материалларининг униси бўлса, буниси етишмайди ёки ўз вақтида келмайди. Усан материал излаб, бир неча бор колоннага келади. Анвар Юсупхўжаев эса унга ваъда бериб, ҳар сафар қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, қайтариб юбораверади. Бошлиқнинг нимага шаъма қилаётганини Усан дастлаб тушунмаган экан. У ўз ишчиларига ойлик олгани идорага келганида

ПОРА—ЮЗНИ ҚИЛДИ ҚОРА

ҳаммаси ойдинлашди-қўйди. Механизациялашган кўчма колонна бошлиғи «Агар менга 100 сўм бермасанг, ишчиларинг бир тийин ҳам иш ҳақи ололмайди», деб айтади. Гўё у бу пулларни «Спецсельхозмонтаж» трестидаги қайсидир ходимига берар эмиш. Усан эса Анварнинг бу таклифига кўнмади. Қурилиш объектига қайтиб келгач, бошлиқ билан бўлган ҳамма гапни ишчиларга оқизмай-томизмай гапириб берди. Лекин нафси ҳакалак отиб турган бошлиқдан осонгина қутулиш қийин эди. У яна идорага келганида А. Юсупхўжаев ўша эски дардини айтди. Усандан аниқ жавоб бўлмагач, «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам», қабилида иш тутди. Бош бухгалтер Н. Шариповага чиқим ордери бўйича У. Жаҳонгиров номига 250 сўм ёзиб беришга кўрсатма берди. Усан ёнидан 50 сўм қўшиб, бош бухгалтер кабинети ёнида Юсупхўжаевга 300 сўм берди.

Текин даромадни кўриб, бошлиқнинг иштаҳаси очилди. Орадан бир ой ўтгач, Жаҳонгиров яна қурилиш материаллари ва иш ҳақи олиш учун идорага келганида А. Юсупхўжаев ундан энди 400 сўм сўради. «Агар ана шу пулни бермасанг, ўзинг ҳам, ишчиларинг ҳам ойликсиз қолади», деб пўписа қилди. Усаннинг бошлиқ гапини бажармасдан иложи қолмаганди. Шу ой ичида А. Юсупхўжаев прораб Б. Турсуновни чақириб, ундан ҳам чиқим ордери бўйича 200 сўм ёздириб олди. Қандайдир ҳаражатларга керак, деб важ қилишни ҳам унутмади.

Ҳар гал пора олгандан сўнг, Юсупхўжаев 2-3 кунни хавотирда ўтказган бўлиши мумкин. Бироқ ҳеч кимдан гап қочмагач, текин пул чўнтагига тушавергач, ҳаддидан ошаверди. Декабрь ойида бошлиқ яна ўтдек туширди. Қандайдир чиқимларга ишлатилади, деб 500 сўм олди.

Пичоқ бориб суякка қадалганди. Усан Жаҳонгиров бошлиқнинг бу ҳийлаларидан тегишли орган ходимларини хабардор этди. Буни сезиб қолган А. Юсупхўжаев найранг йўлини тутди. Усан билан учрашиб: «Пулни сенга қайтараман, ошиқча олинган пул сифатида кассага топширасан», — деди. Усан бунга кўнмагач, дўқ қилишга ўтди, лекин кеч бўлганди. Сергели район прокуратураси терговчиси Э. Бегматов, ички ишлар бўлими БХСС бошлиғи А. Садриевларнинг ишбилармонлиги туфайли унинг жинояти фош этилди. А. Юсупхўжаев У. Жаҳонгировдан ундирган 1200 сўм пулни қайтариб бераётганида қўлга олинди. Сергели район халқ суди бу жиноий ишни кўриб чиқиб, А. Юсупхўжаевни Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 152-моддаси II қисми билан айбдор деб топиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Б. НУРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Сергели район прокурори, юстиция кичик маслаҳатчиси.

Тадбиркор қиз

(Катталар учун эртак)

Ўтган замонда икки чўпон бўлган экан, хўп оғир турмуш кўрган экан. Икки дўст икки етим қизга уйланишибди. Икки ўртоқнинг бири ўғил кўрибди. Отини Оташ қўйибди. Ҳадемай иккинчи ўртоқ ҳам фарзандлик бўлибди — қиз кўрибди. Исмини Юлдуз қўйибди. Икки ўртоқ қувонишиб, қуда бўламиз, деб ваъдалашибди. Оташ билан Юлдуз бир-бирларини севиб қолишибди.

Аммо тўйга ҳозирлик кўриб юришганида иккала оила бахтсизликка учрабди: аввал оталари, кейин оналари оламдан ўтишибди. Оташ билан Юлдуз ғам-ғуссада қолишибди. Орадан бир йил ўтибди. Оташ билан Юлдуз тўй қилишмоқчи бўлиб юришганида яна бахтсизлик содир бўлибди: ов қилиб юрган шоҳ Юлдузни кўриб қолибди-ю, «севиб» қолибди.

— Отинг нима? Кимнинг чўпони бўласан, ой қиз?—деб сўрабди шоҳ. Қиз жавоб бермабди.

— Шоҳга жавоб бермаган қизнинг тилини кесиш керак!—дебди ранги заҳил вазир.

— Ҳай-ҳай! Арғин, сенинг ишинг бўлмасин!— дебди шоҳ ва яна саволга тутибди: — Сен чўпон эмас, малика бўладиган қиз экансан.

— Ҳали ҳам маликаман, шоҳим — тоғ маликаси! — дебди Юлдуз тап тортмай Арғинга хўмраяр экан. Шоҳ атрофидагилар қизнинг дадил гап-сўзига қойил қолишибди.

— Йўқ, сен тоғ маликасимас, саройнинг тўртинчи гўзал маликаси бўладиган қиз экансан! — дебди шоҳ Юлдуз билан суҳбатлашишга қизиқиб.

— Йўқ, шоҳим! Булбул ҳеч қачон олтин қафас ичида сайрамайди.

— Сенга олтин қафас эмас, боғ-роғлар ҳадя этаман. Нима дейсан?

— Қуллуқ, шоҳим! Ўзганинг боғ-роғидан ўз уйим, ўлан тўшагим афзал! — дебди Юлдуз.

— Сен малика бўлсанг умрингда кўрмаган нарсаларни кўрасан, гўзал қиз.

— Миннатдорман, шоҳим! Умрим эндигина бошланяпти, сиздай бўлгунимча буюрганини кўрарман.

— Умрингда киймаган кийимларни киясан, умрингда емаган овқатларни ейсан, гўзал қиз.

— Одам киймоқ, емоқ учун яшамайди-ку, шоҳим!

— Бўлмаса нима учун яшайди? Ҳа, нега индамайсан, айт! Тортинмай айтавер! — дебди Шоҳ қизнинг гапларидан завқланиб.

— Нега тортинар эканман. Сиз сўзингизга кирмаган, йўлингизга юрмаганни жаллодга топширадиган, зиндонга ташлайдиган золим шоҳга ўхшамайсиз-ку? — дебди Юлдуз. — Одам туғилганда ҳам, ўлганда ҳам бир хил бўлади — табақасиз кетади.

— Яъни, масалан? — деб сўрабди шоҳ.

— Тангри олдида шоҳу гадо баб-баравар — банда. Ё гапим чаккими, шоҳим?

— Тўғри, — деб шоҳ ғамгин тасдиқлабди. — Сен одам киймоқ, емоқ учун яшамайди, дединг, нима учун яшайди?

— Яхшилик учун! Яхши ишлар учун яшаши шарт.

— Офарин! — деб юборибди шоҳ кулиб. — Чиндан ҳам исминг жисмингга монанд, ақлда ҳам, ҳуснда ҳам тенгсиз экансан! Сени тобора қаттиқроқ севиб қоляпман. Юлдузой!

— Мени бир қошиқ қонимдан кечинг, шоҳим! — деб бош эгибди қиз.

— Кечдим, гапир! — дебди шоҳ жиддий тус олиб.

— Узр, шоҳим! Юрагингиз нечта? — деб сўрабди Юлдуз. Ҳамма кулиб юборибди. Лекин шоҳ кулмагани учун ўсал бўлиб жим қолишибди. Шоҳ қовоғини очмай сўрабди:

— Сен мени масхара қиляпсанми?

— Йўғ-е, шоҳим! — дебди Юлдуз чўчиброқ. — Сиздек улуғ зотни мендек ғарибу бенаво қандай қилиб масхаралашга журъат этиши мумкин? Яна бунинг устига мен билан суҳбатлашишга бебаҳо вақтингизни аямай турган бўлсангизу...

— Хўп, ахир одамда нечта юрак бўлиши керак? — ажабланиб сўрабди шоҳ.

— Яшанг! Асосан битта. Мен демоқчиманки, битта юракда битта муҳаббат бўлади. Сиз учта қизга уйланибсиз. Бу севгимасдир, шоҳим! Ҳавас.

— Балки. Фақат сени севиб қолдим. Сендай доно, сендай гўзал қизни кўрмаганман! — дебди шоҳ астойдил.

— Балки кўриб қоларсиз. Ҳали унча кекса эмассиз. Менинг эса севганим бор, шоҳим!

— Тўйларинг бўлганми?

— Йўқ ҳали. Азадор эдик. Ота-онамиз кетма-кет оламдан ўтишди, шоҳим! Биз бандаю, бечорага раҳм қилинг, шоҳим! — деб ёлвора бошлабди Юлдуз.

— Раҳм қиламан, — деб гап бошлабди шоҳ. — Нима десанг қиламан. Йигитингга нима десанг бераман! Аммо сени севиб қолдим! Вассалом!

— Эй, тангрим!—деб Юлдуз тиз чўкиб, қўлларини кўтариб, нола қила бошлабди: — Шоҳимга шафқат ато қилгин! Шоҳим, ўргулай, олампаноҳим, сизда ҳамма нарса бор, қўлингизни қаёққа узатсангиз етади. Менда ёлғиз севгим — Оташ ёримдан бўлак ҳеч нарсам йўқ, шоҳим! Йўқ! Мени ўлдиришингиз мумкин-у, хотинликка кўндиришингиз мумкинмас, шоҳим!

— Ҳеч қиси йўқ, — дебди шоҳ терс қараб, — кўникиб кетарсан. Сени севиб қолдим.

— Мен-чи, мен? Мен сизни севмайман-ку, шоҳим! Бу ишингиз кўнглимга хуш келадими, ахир?! «Қарс икки қўлдан» дейдилар, шоҳим. Чин севги икки ёқлама бўлади, шоҳим. Бир ёқлама бўлса бахт севгиси эмас, етим, ғариб севги бўлади, шоҳим!

— Э, олампаноҳ, унга ялиниб ўтирасизми, қўл-оёғини бойлаб олиб кетаверайлик-да! — дебди Арғин тоқатсизлик билан.

— Бас! — деб вазирни жеркибди шоҳ. Сўнг қизга дебди: — Ҳамма гапинг балки тўғридир. Қани, айт-чи, ўз ихтиёринг билан юрасанми, қўл-оёғингни бойлайликми?

— Шоҳим, қўл-оёғимни боғлаб, сўймоқчимисиз ё суймоқчимисиз?!—деб қичқирибди ўрнидан турган Юлдуз. — Ўзим бораман зиндонингизга! От беринг!

Шоҳнинг имоси билан бир сувори отдан ирғиб тушиб, жиловини қизга тутқазибди.

— Шоҳим, от берманг! У қочиб кетади, берманг! — деб ёлворгандек илтижо қилибди Арғин.

Юлдуз уни мазах қилиб кулибди. «Сен ҳам ўзингни одамлар қаторига қўшиб юрибсанми, номард! Сен лабзи ҳаром, бебурд тулкисан. Демак, эл-юртда кулкисан!».

Шоҳ кулиб юборибди. Юлдуз ўйноқлаб турган отга чавандозлардек ирғиб минибди-да: «Мен ёрим билан хайрлашиб келай, сизлар борманглар! Оташим нариги жилғада» дебди-да, от чоптириб кетибди. Арғин билан икки қуролли сувори қиз ортидан бормоқчи бўлган экан, шоҳ тўхтатибди.

— Қочадиган қизмас! — дебди Шоҳ.

Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмабди. Қиз шамолдек учиб кетибди. Уни бегона отда кўрган Оташ қўрқиб қаршисига от қўйибди.

—Бошимиз фалокатдан чиқмай қолди, Оташбой! — деб зорланибди Юлдуз. — Азамизга тўйимизни уласак бўларкан, Оташбой! Балки ўшанда бу балога гирифтор бўлмасмидик.

— Нима гап ўзи, Юлдузхон! — деб қўрқиб сўрабди Оташ.

— Ота-онамиздан жудо бўлганимиз етмай энди шум тақдир бир-биримиздан ҳам жудо этмоқчи, Оташим! — дебди Юлдуз ғазаб ва нафрат билан. — Бу бахтсизликдан ўлиб қутулмасак, тирик қутулиб бўлмайди! — деб Юлдуз ҳамма гапни гапириб берибди. Сўнг у Оташни ғазаб билан эмас, ақл билан иш тутишга чақирибди.

— Албатта! Ўлим сўнгги чора. Ўлганда ҳам қасос олиб ўлиш керак! — дебди Оташ.

— Бўлмасам-чи! — дебди Юлдуз. У ҳозир йўл-йўлақай ўйлаб келган режасини гапириб берибди. Бу режа Оташга ҳам маъқул бўлибди. Иккаласи пастга — булоқ бўйига тушишибди. Анча суҳбатлашишибди. Бир фикрга келиб, хайрлашишибди. Кейин интизорлик билан кутаётган шоҳ ҳузурига етиб борибди. — Мен келдим, шоҳим. Мени қолдириш ҳақида ўйлаб кўрдингизми? — деб сўрабди Юлдуз.

— Қолдириш ҳақида эмас, олиб кетиш ҳақида ўйлаяпман, — дебди шоҳ жиддий туриб.

— Хўп,—деб гап бошлабди Юлдуз. — Аммо айтиб қўяй, мажбуран олиб кетишингиз мумкин, мажбуран хотин қилолмайсиз! Бу гапим ҳақ гап. Шафқатингиз бўлмаса ҳам ақлингиз бор.

— Хўш? — дебди шоҳ қовоқ уйиб. — Хўш, шартингни айт бўлмаса?

— Яшанг! Агар шартларимни бажарсангизгина мен сизга ёр бўламан! — дебди Юлдуз кескин. — Биринчидан, Оташ ҳам саройда бўлади, мен ҳеч бўлмаса уни кўриб туришим, ҳоҳласа уйлантириб қўйишим мумкин, сарбоз бўлиб юради. Қобилияти сизга ёқса, инсоф қилсангиз униб-ўсишига ёрдам берарсиз.

— Шартингни қабул қилдим, — дебди шоҳ. — Яна?

— Бойни, хўжайинимизни рози қилиб бизни олиб кетасиз. Бу иккинчи шартим.

— Маъқул. Яна?

— Саройингизда мен оддий хотингина эмас, қонуний вазирингиз ҳам бўламан. — Ҳаммалари бир-бирларига қарашибди. Юлдуз давом этибди: — Шоҳим, наҳотки, иқтидору фаросатимга ишонмасангиз?

Ҳаммалари «ўҳ-ҳў» деб юборишибди.

— Ишонаман, — дебди шоҳ ўйчан. — Вазирликка қурбинг етишига ишонаман-ку, шариат йўл бермайди-да, Юлдузой?

— Бекор гап! — дебди Юлдуз. — Ҳаётда шоҳ бўлган, қўмондон бўлган, эркак кийимини кийиб жангда жавлон уриб, қаҳрамонлик кўрсатган хотин-қизлар камми?

— Ҳали илминг ҳам борми? — деб шошиб сўрабди шоҳ.

— Бор. Ота-онаалримиз ҳам ўқиш, ёзишни билишарди. Оташ ҳам ўқиш, ёзишни билади, — деб қўшиб қўйибди Юлдуз.

Одамларнинг баъзилари «Эҳ-ҳе» деса, баъзилари «Ажабо!» деб танг қолишибди.

— Яхши, — дебди шоҳ бўшашиб. — Агар уламолар лозим топишса, розиман. Шуми?

— Шу!

Ҳаммалари шоҳ кетидан шаҳарга от қўйишибди.

— Яхши! Кетдик! — деб буюрибди шоҳ.

Юлдуз билан Оташнинг сарой ҳаётига кўникиши анча қийин бўлибди. Начора! Улар ўз режаларини амалга ошириш учун ҳар қандай қийинчиликка чидашга мажбур эканлар.

Ҳар қандай шароитда — қишда — қорда, баҳорда — лойда, пасту-баланд жойларда отда чопавериб болаликдан чиниққан ақлли Оташ тезда сарбозлар ҳурматини қозонибди. Кимга пул керак бўлса берибди, кимга ёрдам керак бўлса кўрсатибди. Хуллас кўпчилик эътиборига мушарраф бўла берибди. Кўрикларда олдинда бўлгани учун шоҳ уни аввал ўнбоши, кейин юзбоши даражасига кўтарибди.

Юлдузнинг вазир бўлишига ҳам йўл топилибди — фатво берилибди. У ҳам ўзининг тадбиркорлиги, сезгир ва ишбилармонлиги билан ҳурмат топа бошлабди. Оқибатда кимнинг қандай ташвиши бўлса, кимнинг қандай маросими бўлса одамлар шоҳдан олдин Юлдуз билан маслаҳатлашадиган бўлишибди. Юлдуз шафқат қилибди. Шу сабабли Юлдузнинг обрўси шоҳ сезмагани ҳолда ўсиб борар экан. Тўйни эса Юлдуз ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солар экан.

Ниҳоят тоқати тоқ бўлган шоҳ тўй кунини белгилабди. Тўйдан олдин овга чиқишадиган бўлишибди. Шу куни кечқурун Юлдуз ҳузурига ҳар галгидек бош қўмондоннинг хотини Жония кириб келибди. «Охири тўйга розилик берибсиз-да, Юлдузой?» — деб сўрабди у.

— На чора, Жониябону? — дебди Юлдуз афсус-надомат билан.

— Арғин тўйни йўққа чиқарса-чи?..

— Истагани бўлади! Нима истайди? Молу дунёми, амалми? — деб шошиб сўрабди Юлдуз.

— Кейингиси, — дебди Жония муғомбирлик билан.

— Сиз ўз ўрнингизда ҳурмат-иззатда қолаверасиз.

— Ҳа, ҳа! — дебди Юлдуз ўйчан. — Шундай денг! — дея Юлдуз ўйга ботибди, ўз-ўзига дебди: «Мен золимликда шоҳдан минг чандон ўтиб тушадиган одамга ишонаманми?... Демак, у овда шоҳни ўлдирмоқчи, ўзи шоҳ бўлмоқчи! Чунки шоҳнинг меросхўри йўқ. Мен эса даъво қилолмайман — ҳали тўй бўлгани йўқ. Агар у шоҳ бўлиб қолса... У шоҳида юрса, мен баргида юраман.» Сўнг Жонияга дебди: — Бу ишни фақат ўзи бажарганини исботлай олса! Овда бажарадими?

— Ҳа-да, овда! Раҳмат! Исботлайди! Айтаман! Аммо сиз ҳам ваъдангизда турасиз! — дебди Жония шоша-пиша титраб.

Юлдуз шоҳ билан маслаҳатлашиб, овни никоҳдан кейинга қолдирибди. Никоҳ ўқилибди, тўй ўтибди. Эртасига тонг биланоқ овга жўнашибди. Овда Арғин шоҳни хилват жойга олиб бориб пичоқлаб ташлабди. Шоҳ «Оҳ! Ким бор!» деб қичқирибди-ю, жим бўлибди. Оташ билан яна бир сарбоз қочиб кетаётган Арғиннинг йўлини тўсиб чиқишибди.

— Ҳа, қаёққа қочяпсан? Шоҳимиз қани? —деб сўрабди Оташ. — Шоҳнинг овозини эшитгандек бўлдик-ку!

— Ҳа, ҳа... Ҳалиги мен ҳам эшитдим, эшитдим! Кимдир ҳужум қилди шекилли! — дебди Арғин дудуқланиб.—Юринглар! Бир сувори от чопиб шу ёққа ўтгандек бўлди!

Шу чоқ тўқай ёнидан инграган овоз келибди. Ҳаммалари югуриб боришибди. Шоҳ қичқириб «Ар-ар-ғин қотил!» дебди-да шилқ этиб тушибди.

— Эшитдингларми? «Арғин, қотилни ушла!» дегандек бўлди, — дебди Арғин.

— Йўқ! — дебди сарбоз.—«Арғин қотил» деганидан бошқа сўз эшитилмабди. Сиз-чи, Оташ?

Арғин ғазабга тўлиб, қичқирибди:

— Вой, аблаҳлар-эй! Агар бу гапни яна қайтарсаларинг чопиб ташлайман! — дебди у. Шу пайт табиб, вазирлар келиб қолишибди. Табиб дарҳол шоҳ ёнига тиз чўкиб томирини ушлабди.

— Шоҳга ҳанжар урилибди! — дебди табиб. Заҳарли ҳанжар бўлиши керак — ранги ўзгариб кетибди.

— Қани, ҳанжарингизни беринг-чи, менга! — дебди вазир Арғинга. Арғин қизариб-бўзариб «Марҳамат!» деб суғуриб узатибди. Вазир ханжарни табибга берибди. Табиб кўриб, «Бу ханжар тоза» деб қайтариб берибди.

— Юринглар, ҳанжарни қидирамиз!

Сарбозлар қидиришга тушибди. Ниҳоят ханжар топилибди. Қонли ханжар шоҳ ётган жойдан эллик-олтмиш газ наридан топилибди.

— Ханжар анов ёққа қочган одамники бўлиши керак! — деб бақирибди Арғин.

— Ханжар уники бўлса нега ташлаб қочади? — дебди сарбоз. — Ханжарни сиз ташлагансиз!

Арғин аламига чидамай шамширни яланғочлаб сарбоз томонга югурибди. Оташ унинг йўлини тўсиб, чалиб йиқитибди-да, босиб олибди. Унинг сарбозлари Арғинни қуролсизлантириб, қўлларини боғлашибди.

Шундай қилиб, Арғин зиндонга ташланибди. Шоҳнинг никоҳли «хотини» доно, гўзал Юлдуз тахтга ўтирибди. Зиндону авахтадаги Арғиндан жабр чеккан барча бегуноҳ маҳбуслар озод қилинибди. Тўғрилар муродга етибди, эгрилар йўқ бўлиб кетибди...

Ёқубжон ШУКУРОВ.

Фан—ишлаб чиқаришга

КУНЖАРАДАН СУНЪИЙ СУТ

Қўқон ёғ-мой комбинатида сунъий сут тайёрлаш қувватлари беш баравар кўпайди. Бу ерда кунжарадан оқсил пастаси ишлаб чиқарадиган иккинчи технологик линия ишга туширилди.

Ҳақиқий сут ўрнини босадиган бу маҳсулотни олиш технологиясини Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимликлар моддаси химияси институтининг олимлари корхона мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқишди.

Ҳозир оқсил пастаси Жданов номли совхозда бузоқларни боқишда ҳақиқий сут ўрнида ишлатилмоқда. Бундан чорвадорлар мамнун бўлишмоқда: бузоқлар тез семирмоқда. Бунинг устига янги маҳсулот туфайли 30 тоннадан ортиқ сутни тежаб қолдилар.

— Ҳамма жойда оқсил пастасини қўллаш, — дейди комбинат директори Ю. Ёқубов, — Фарғона хўжаликларининг ўзидагина минглаб центнер табиий сутни тежаб қолишга имкон беради.

200 МИНГ ДОНА ҚЎШИМЧА...

Ангрен сопол буюмлари комбинатида бинонинг олд томонини безашда ишлатиладиган плиткалар ишлаб чиқарувчи конвейер линияси лойиҳадаги қувватга етди. Конвейернинг узунлиги 186 метр. Бу ерда ҳар йили 200 минг квадрат метр камёб материал тайёрланади.

Лойиҳачилар корхона инженерлари билан ҳамкорликда конвейер линияси конструкциясига бир қатор ўзгаришлар киритишди. Энди бу линия бутун технология туркумини: хом ашёни қолиплаш, қуритиш, пишириш, уни сирлаш ишларини бажариши мумкин.

Ангрен сопол буюмлари комбинати бу йил истеъмолчиларга жами 2,5 миллион квадрат метрдан кўпроқ турли плиткалар етказиб беради. Бу плиткалардан қурилишда кенг фойдаланилади.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи ишчилари 1988 йилда хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтган эдилар. Бу ихтирочилар, рационализаторлар фаолиятини кескин кучайтиришга имкон берди. Уларнинг ўнлаб таклифлари жорий этилиб, 250 минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

Хўжалик юритишнинг янгича шароити новаторларни конкрет муаммоларни ҳал этишга ундамоқда. Бу муаммолар асосан хом ашё, материаллар, электр энергиясини тежаш билан боғлиқ ва меҳнат шароитларини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Рационализаторлик ҳаракатида инженер-техник ходимлар ҳам, оддий ишчилар ҳам қатнашмоқдалар. Масалан, компрессор цехининг йиғувчи слесари С. Колючев киритган ўнта таклиф ўн минглаб сўм пулни тежаб қолишга имкон берди.

«Узбекхиммаш» заводида жорий этилган энг қизиқарли таклифлардан бири «иккиламчи хом ашё» сифатида қабул қилинмайдиган ишлаб чиқариш чиқиндиларини қўлланиб, пўлат қуйиш технологиясини ўзгартириш таклифидир. Завод коллективи олий сифатли қуйилма олиш билан бирга бу операция чоғида қарийб 30 минг сўм пулни тежашга муваффақ бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).

ФЗМК РАИСЛАРИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ

ТУРИСТ

1989 ЙИЛГА

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги каcаба союз комитетларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг вакилларини «Ташкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг туристик экскурсия путёвкалари сотиш бюросига ташриф буюришларини сўрайди.

Путёвка сотиш бюроси отпуска даврида йўл харажатлари ҳисобига олинган ва ҳисобга олинмаган ҳолда кўп миқдордаги 3 ва 5 кунлик путёвкаларни таклиф этади.

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ — ИШ ЮРИТИШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ФОРМАСИДИР.

Шартнома пул ҳисоб-китоблари юритишни осонлаштиради, энг яхши путёвкаларни харид қилишда устунлик яратади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69 «А» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси). Справкалар учун телфонлар: 44-12-97, 44-11-97.

Видеомагнитофон эгалари диққатига!

«ОРБИТА-СЕРВИС» ХИЗМАТИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Видеомагнитофонингиз ишламай қолдими? Уни тузатиш муаммо эмас. Куйбишев райони техника марказида ана шундай аппаратураларни ремонт қилувчи филиал очилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, гарантияли хизмат муддати тугаган видеомагнитофонлар ремонт қилинади. Видеомагнитофонлар фақат устахонада ремонт қилинади.

Филиал адреси: Гоголь кўчаси, 38.

Иш тартиби: соат 8 дан 20 гача ишлайди, танаффус соат 13 дан 14 гача.

Дам олиш куни — душанба.

Тошкент шаҳар «Орбита-сервис» техника маркази.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Услуб ва жозиба

Кийим-кечакларингизнинг тикилиш услуби ташқи қиёфангизга, қадди-қоматингизга, ҳатто характерингизга ҳам мос бўлиши керак. Устбош танлаётганда ана шу талабга риоя қилсангиз, хато қилмайсиз.

Марказий универсал магазинда қиш мавсуми учун кийим-кечак танлашнинг кенг имкониятлари мавжуд.

ПАЛЬТО ВА ПЎСТИНЛАР

Бачканаликни ёқтирмайдиган , сипо кийинадиган ўртоқларга тўғри бичилган, енг учлари манзарали чок билан безатилган, қораўзан ёқали пальтоларга эътибор қилишни маслаҳат берардик.

«Янгилик» индекси билан чиқарилган янги модель ҳам диққатга сазовор. Унда бўртма гулли драп йўл-йўл сунъий чарм безаклар билан уйғунлашиб кетган.

Сунъий мўйнадан тикилган, ёқаси шарф шаклидаги пўстинлар ҳам бор. Чуқур ўмизли енг унга замонавий қиёфа бағишлайди.

Ана шундай пальто ва пўстинлар билан чўл тулкиси терисидан тикилган қулоқчин айниқса уйғунлашиб кетади. Ҳозирги мода эркаклар либосларининг айрим деталларидан хотин-қизларнинг фойдаланишига ҳам йўл очиб беради.

ЁШЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Сунъий мўйнадан тикилган калта пўстин ёки гажак газламадан тикилган юбка комплекти ёшлар ўртасида айниқса модада. Юбканинг узунлиги, ранги ва бичилишини ўзгартириб, унга ҳар хил қиёфа бағишлаш мумкин.

Катак газламалар ҳақида... Ҳозир ана шундай газламалар модада. Катак газламадан тикилган либослар чиройли кўринади. Аммо бунинг ўзига хос қийинчиликлари бор — уни ўзига хос бичиш, гулларини гулларига тўғрилаш керак. Марказий универсал магазинда йирик ва майда катакли, турфа ранг газламалардан ҳар хил усулда тикилган юбкалар бор.

ТРИКОТАЖ ҲАМИША МОДАДА

Қадди-қоматингизга мос классик услубдаги сипо костюмда сиз ўзингизни эркин ҳис этасиз. Жакети ёқасиз бўлиб, елкалари текис туради. Юбкаси астарли бўлиб, тўғри бичилган. Костюм майда оқ йўл-йўл катаги бўлган кулранг газламадан тикилган.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН

тўғри бичилган — қора, ҳалқа ёқали кўйлакларни: сунъий чарм билан безатилган, бўғизи доира шаклидаги жигарранг кўйлакларни; баданга бирмунча ёпишиб турадиган, текис елкали, қизил рангли кўйлакларни;

ёқаси ва чўнтакларининг четкаси безатилган сарафанларни;

ёқали ва қоплама чўнтакли ҳар хил рангдаги жакетларни;

гулли қалин газламадан тикилган жемперларни таклиф қилади.

Ёш мода мухлисларини, шак-шубҳасиз, қизил рангли, чуқур ўмизли, елкалари текис турадиган, катта қоплама чўнтакли ёшлар жакети қизиқтириб қолса керак.

ПИШИҚ-ПУХТАЛИК ВА ҚУЛАЙЛИК

хотин-қизлар модаси учун ҳам, эркаклар модаси учун ҳам асосий талаб бўлиб қолмоқда.

Марказий универсал магазин эркакларга қулай ва иссиқ, эркин ҳаракат қилиш имконини берувчи енгил поча-пўстинларни, астарли, сунъий мўйнадан тикилган курткаларни тавсия этади. Курткаларнинг капюшони бор, молния илгакли ва кнопкали, металл ҳалқачали белбоғи бор.

ЦУМда безакли жигарранг, қора ва оқ пуловерлар, ёқаси доира шаклидаги жун аралаш ипдан тўқилган жемперлар бор.

ЦУМ (телефон 56-76-98).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Собир Раҳимов номли болалар маданият ва истироҳат паркида турли-туман тўгараклар ишлаб турибди. Шулардан бири бичиш-тикиш тўгарагидир. Унга раҳбарлик қилаётган Ҳикоятхон Ҳошимова қизларга тикувчилик касбининг илк сабоқларини ўргатяпти.

СУРАТДА: тўгарак раҳбари Ҳ. Ҳошимова ўқувчилари билан тикилган либосларни кўздан кечирмоқда.

Спорт

Биринчи имтиҳон

Стол тенниси бўйича 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг очиқ биринчилиги ўтказилди. Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишланган турнирда Бухоро, Хоразм, Сурхондарё областлари, шунингдек Фрунзе шаҳридан 70 га яқин ўқувчи иштирок этди.

12—13 ёшли болалар баҳсида Тошкент шаҳридаги 249-мактабдан О. Максимова ва С. Тўлагановлар, кичик группада эса 15-мактабдан А. Бобожонов, Фрунзе шаҳри вакили А. Габидуллинлар ғолиб чиқишди.

Биринчи имтиҳон муваффақиятли якунланди. Турнирни анъанавий ташкил қилиш мақсадида ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилинди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

Ниҳоясига етди

«Ёшлик» спорт аренасининг енгил атлетика манежида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон касаба союзлари кўнгилли физкультура ва спорт жамияти республика Советининг қишки биринчилиги якунланди. Мусобақада 1974-1975 йилларда туғилган жами 345 та спортчи қатнашди. Баҳслар икки группага бўлинган ҳолда ўтказилди. Биринчи группада Тошкент, Фарғона, Ангрен, Чирчиқ, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган шаҳарлари вакиллари, иккинчи группада эса Термиз, Навоий, Жиззах, Марғилон, Гулистон, Зарафшон, Бекобод шаҳарларининг командалари қатнашдилар.

Самарқандлик Света Саприкина, андижонлик Дима Андронов, навоийлик Игорь Мушарапов, қўқонлик Юлия Колодиналар ғолиб чиқишди.

Умумкоманда ҳисобида биринчи группада Тошкент (7383 очко), иккинчи группада Навоий (5173 очко) шаҳри командалари биринчи ўринни эгаллади.

Урганч, Нукус ва Шаҳрисабз шаҳарлари енгил атлетикачилари мусобақага келишмади.

Ёш самбочилар баҳсида

«Пахтакор» спорт комбинатининг самбо залида 1968-71 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Хоразм, Жиззах, Андижон, Қорақалпоғистон, Тошкент областлари ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этишди. Жами 111 самбочи ғолиблик учун кураш олиб борди. 48 килограмм вазндаги полвонлар беллашувида тошкентлик Х. Саидов, 52 килограммда бухоролик Н. Холов ғолиб деб топилди. Вазни 57 ва 62 килограммгача бўлган самбочилар учрашувида ҳамшаҳарларимиз Р. Бойтўраев ва Н. Дадамуҳамедов биринчи ўринга кўтарилишди.

Яна бир тошкентлик — (90 килограмм) В. Колчанов республика чемпиони унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, бу спортчилар СССР спорт мастери нормативини бажардилар.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

Бу-қизиқ

Эгизаклар, эгизаклар...

⊙ Қайд этилган энг паст бўйли эгизаклар 1930 йилда Венгрияда туғилган Матиус ва Бела Матиналар ҳисобланади. Уларнинг бўйлари 76 сантиметр эди, холос.

⊙ Дунёда жуссаси энг оғир эгизаклар Хендерсонвиль шаҳрилик (Шимолий Каролина штати. АҚШ) Билли Леон ва Бенни Маккрэрлар (1946 йил декабрида туғилган) ҳисобланади. Улар олти ёшлигига қадар бошқа болалардан фарқ қилмаганлар. Қизилча билан касалланганликларидан сўнггина тез семира бошлаганлар. 1978 йили ноябрида Билли 337 килограмм, Бенни эса 328 килограмм бўлиб, бел айланалари 2 метрдан ортиқ эди. Акаукалар 349 килограммгача бўлган вазнлилар қатнашадиган «рестлинг» классик кураши билан шуғулланганлар ва мотоспортга қизиққанлар. Бу Биллини нобуд қилди — у Ниагарафолс шаҳрида (Канада, Онтарио вилояти) 1979 йил 13 июлда мотоциклда фалокатга учраб вафот этди.

⊙ Дунёда энг кекса эгизак тўртовлон Мюнхенлик (ГФР), Адельф, Анна-Мария, Элима ва Элизабет Оттманлар ҳисобланади. Улар 1987 йил 5 майда ўзларининг 75 ёшларини нишонлаганлар.

⊙ Уч эгизаклардан узоқ умр кўриш 1868 йил 27 мартда туғилган америкалик Фэйт, Элен ва Чарити Кафлинларга мансуб (Массачусетс штати). Элен 93 ёшида вафот этган.

⊙ Икки эгизаклилар орасида умрибоқийлик оксфордлик (Англия) қари қизлар Мэй ва Маржори Чавассиларга тааллуқли. Улар 1986 йил 29 августда юз ёшларини нишонладилар.

⊙ Энг серфарзандлик Москвадан 240 километр шарқдаги Шуя яқинида яшаган деҳқон Федор Васильевнинг (1707 — 1782) икки хотинидан биринчисига мансуб. Унинг 1725 ва 1765 йиллар давомида 27 марта кўзи ёриб, 16 марта иккитадан, 7 марта учтадан, 4 марта тўрттадан эгизак бола кўрган. Бу ҳақда Москвадаги Никольск монастирида 1782 йил 27 февралда қайд этилган. Энг камида 67 бола балоғат ёшига етган.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.

Латифалар

ТААЖЖУБ

Насриддин Афанди замонанинг зайли билан йигирманчи асрга келиб қолибди-ю, одамларнинг маслаҳати билан футбол томоша қилиш учун стадионга борибди. Бир маҳал ўйин судьяси қоидани бузган ўйинчига жарима солиб қизил карточка кўрсатган экан, Афанди ҳайрон бўлиб:

— Ё астаъфурулло! Бизнинг замондаги қозилар ажрим ҳақига суриштириб ўтирмай берганингни олиб кетаверар эди, ҳозиргилари эса ҳам жазоингни бериб, ҳам «қизилидан берасан» дегандек шаъма қилиб қўяркан,— дебди атрофда ўтирганларга қараб.

КИМНИНГ ХОТИНИ!

Хўжа Насриддин милиция участка инспектори бўлиб ишлаб юрганида олдига бир одам келиб:

— Хотинимни шаҳар айлантириб юриб йўқотиб қўйдим, топишимга ёрдам берсангиз, — деб илтимос қилиб қолибди. Афанди ундан хотинининг белгиларини сўрабди. У киши дебди:

— Оғзи ҳеч гапдан тинмай эртаю кеч жавраргани-жавраган. Тағин чўнтагимдаги бор пулларимни тийин қолдирмай қоқиб олар, «Уни олиб бер, буни олиб бер», деб ҳеч ҳоли жонимга қўймасди.

Афанди ўша одамдан сўрабди:

— Менга қаранг, дўстим, ўзингизнинг хотинингизни қидиряпсизми ёки меникинимй?

Алишер САЪДУЛЛАЕВ.

Редактор **Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

21, 22 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 да

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.

«Зиёфат» спектакли

(икки пардали драма)

ПРЕМЬЕРАСИ

Коллектив бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса соат 10 дан 20 гача очиқ.

Телефон: 44-56-52.

Тошкент давлат циркида

(«Хадра» майдони)

21 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«Денгиз ҳайвонлари» аттракциони

Оригинал дрессура.

Ҳайвон ўргатувчилар — ТАТЬЯНА ВА ВАСИЛИЙ ТИМЧЕНКОЛАР.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари амалга оширилади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

ДИҚҚАТ!

Ёқубов кўчаси бўйлаб сув ўтказиш тармоғи ётқизилиши муносабати билан

23 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

3, 5 ОЙ МУДДАТГА

Ёқубов кўчаси бўйлаб темирйўлни кесиб ўтиш жойидан бошлаб «ҚОРАСУВ» совхозининг 1-участкасигача ва НИЛУФАР КЎЧАСИ БЎЙЛАБ совхозининг 3-участкаси районида

ҲАММА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ТЎХТАТИЛАДИ

АВТОБУС МАРШРУТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

— **66-маршрут** — Сергели массивининг 12-кварталидан «Сергели» посёлкаси, ОБД комбинати, совхозининг 1-участкаси орқали «Қорасув» совхози идорасигача;

— **104-маршрут** — ОБД комбинатидан Заречная, Райҳон, Чортоқ кўчалари, Сергели савдо маркази, «Ўзгариш» посёлкаси, Ҳалқа йўл орқали ва у ёғига «Қўйлиқ» массиви орқали Куйбишев бозоригача ўз йўналишларида ҳаракат қилади;

— **177-маршрут** — «Сергели» массивининг 12-кварталидан «Сергели» посёлкаси, ОБД комбинати, «Қорасув» совхози идораси орқали ва у ёғига Қўйлиқ бозоригача ўз маршрути бўйлаб ҳаракат қилади.

Справкалар учун телефон: 32-04-82.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

Пассажирлар диққатига!

Лохутий кўчаси бўйлаб трамвай йўлларини капитал ремонт қилиш муносабати билан

20 ЯНВАРЬ СОАТ 22.00 ДАН

22 ЯНВАРЬ СОАТ 5.00 ГАЧА

КУЙБИШЕВ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДАН САНЪАТ МУЗЕЙИГАЧА БЎЛГАН УЧАСТКАДА

ТРАМВАЙ МАРШРУТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎХТАТИЛАДИ.

ТРАМВАЙ МАРШРУТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ҚУЙИДАГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

— **2-маршрут** — Образцов кўчаси — ЦУМ;

— **3-маршрут** — метронинг «Чкалов» станцияси — Олой бозори — 2-ТошМИ;

— **13-маршрут** — Тошкент трактор заводи — «Ташсельмаш» — Олой бозори — Тошкент трактор заводи;

— **13 «а» маршрут** — Тошкент трактор заводи — Генерал Петров кўчаси — Олой бозори — «Болалар дунёси» — 2-ТошМИ — Тошкент трактор заводи;

— **28-маршрут** — «Самарқанд» автостанцияси — «Тошкент» меҳмонхонаси — Ишчилар шаҳарчаси ва орқага яна шу йўлдан қайтади.

Справкалар учун телефонлар: 58-49-40, 58-53-39.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

21, 22, 24-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

24-АТС да реконструкция ишлари олиб борилиши муносабати билан 1989 йилнинг 15 февралига қадар Тошкент шаҳридаги барча АТС ва АМТС ларда алоқа сифати вақтинча ёмонлашади.

Справкалар учун телефонлар: 33-65-50, 33-69-95.

Тошкент шаҳар Киров районидаги 70-ўрта мактаб томонидан **Байматова Мунисахон Пиримқуловна** номига берилган Д-358779 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

769 ПСК автомат телефон подстанциясининг план бўйича капитал ремонт қилиниши муносабати билан

25 ЯНВАРГА ҚАДАР

769 рақами билан бошланувчи телефон номерларига чиқиш қийинлашади, шунингдек ана шу рақамлар билан бошланувчи телефонлар ўчириб ҳам қўйилади.

Ана шу муносабат билан юқорида кўрсатилган муддат ўтгунга қадар абонентлардан ремонт бюросига мурожаат этмасликларини сўраймиз.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/I да **Дунёнинг яратилиши**, 21/I да **Ява ордени.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да **Истамбул фожиаси**, 21/I да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/I да **Хотинимнинг эри**, 21/I да **Ав-ука совчилар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да **Отасининг қизи**, 21/I да **Зиёфат** (премьера, 19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Психологик тажрибалар** (19.30).

Кино

20 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 18.30, 20.45).

Москва — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (20.0); «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (15.20, 17, 19.000).

Дружба — «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (11 12, 13, 20, 20.30); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (14.15, 15 17, 18.00).

Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 1.30, 21.00); «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 2.30, 14.15).

Нукус — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17, 9.15, 21.30).

ЎзССР 25 йиллиги (Телефон: 53-65-87) «АЖДОҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (16, 1.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИТНАЧИЛАР ЮШМАСИ» (12, 16, 20.00).

Ватан — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚИММАТА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (жуфт соатларда ва 21.30да).

Лисунов номли — «ЗОРРОНИНГ КАТТА САРГУЗАШТИ» (тоқ соатларда).

Восток — «УЧ МУШКЕТЕР СИНГАРИ» (16, 18.0, 21.00).

Қозоғистон — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18, 21.00); «УЧ МУШКЕТЕР СИНГАРИ» (16,18.30, 21.00).

Искра — «МУРТАД», (16, 17, 19, 21.00).

21, 22 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 20.45).

Москва — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (20.4); «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (17, 19:00).

Дружба — «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (20.0); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕМИНО» (17, 18.00).

Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.3, 21.00);

Нукус — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17,19.15, 21.30).

ЎзССР 25 йиллиги (Телефон: 53-65-87) — АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (18.3).

Ватан—«ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Лисунов номли — «ЗОРРОНИНГ УЛКАН САРГУЗАШТИ» (тоқ соатларда).

Восток — «УЧ МУШКЕТЕР СИНГАРИ» (18.30 21.00).

Қозоғистон — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18, 21.00); «УЧ МУШКЕТЕР СИНГАРИ» 17, 20.00).

Искра — «МУҒАД» (17, 19, 21.00).

Тошкент савдо савдоси техникуми томонидан **Дадашев Тошмат** номига берилган ШЧ-I серияли 503026 номерли йўқолган

ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент политехника институти томонидан **Рустамова Арофат Кенжавна** номига берилган 80967 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд педагогика билим юрти томонидан **Махаматов Фахритдин Авдамитович** номига берилган ЗТ-1 865962 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Акмал Икромов район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 236-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси

Ҳамда АБДУЛЛЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади. Тираж — 125.000.

Р — 07539. Ички саҳифаларга 19.50 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 23 12. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10